2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 19 (1345), 2025 йил 28 январь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЎРТАСИДАГИ ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни навбатдаги Ўзбекистон — Туркманистон сиёсий маслаҳатлашувлари доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.**



Суҳбат аввалида вазир Рашид Мередов давлатимиз раҳбарига Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ва Туркман халқининг миллий етакчиси, мамлакат Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедовнинг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Туркманистон дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Товар айирбошлаш ҳажми жадал ўсиб бораётгани, 2024 йилда 1,1 миллиард доллардан ошгани мамнуният билан қайд этилди. “Шовот — Тошовуз” чегараолди савдо зонаси биргаликда барпо этилмоқда. Саноат кооперацияси, энергетика, транспорт, логистика, қишлоқ хўжалиги ва сувдан фойдаланиш соҳаларида яқин ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил давом эттирилмоқда. Ҳудудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгайиб бормоқда.

Тошкент шаҳрида Гурбангули Бердимуҳамедовнинг “Hakyda göwheri” (“Тафаккур гавҳари”) номли янги китобининг ўзбек тилидаги нашри тақдимоти ўтказилгани учун Туркманистон раҳбарияти номидан Ўзбекистон етакчисига чуқур миннатдорлик изҳор этилди.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги кўп қиррали шерикликнинг янги кенг қамровли кун тартибини шакллантириш, бўлажак олий даражадаги ташрифлар, минтақа давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ва “Марказий Осиё плюс” форматидаги саммитларга тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, халқаро сиёсат масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

**ЎзА**

# ИККИ ДАВЛАТ ЕТАКЧИЛАРИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАР ВА МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШДИЛАР

**Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров 25 январь куни ташриф билан мамлакатимизда бўлди.**

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятидаги “Амирсой” курорт мажмуасида Қирғизистон Президенти билан норасмий учрашув ўтказди.

Мамлакатимиз тарихий, маданий ва хушманзара масканларга бой. Кейинги йилларда бундай гўшаларга сайёҳларни йил давомида янада кўпроқ жалб қилиш учун тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сайёҳлик салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда туризм марказлари ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яратилаётган шарт-шароит ва қулайликлар натижасида мамлакатимизга келувчи туристлар сони йилдан-йилга ортмоқда. Хусусан, ўтган йил давомида юртимизга 8 миллион 600 минг нафардан ортиқ сайёҳ келди. Уларга 2 миллиард 700 миллион долларлик хизмат кўрсатилди. Ушбу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан бир ярим баробар кўп.

“Амирсой” мажмуаси мамлакатимиздаги йирик курорт зоналардан бири. У 900 гектардан ортиқ майдонда жойлашган бўлиб, бу ерда ҳар мавсумга мос жаҳон стандартлари даражасидаги шароитлар яратилган.

Етакчилар икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари, шунингдек, халқаро сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик юзасидан фикр алмашдилар.

Қирғизистон Президенти тоғ-чанғи мажмуасида яратилган шароитлар ва унинг жаҳоннинг юксак стандартларига мос замонавий инфратузилмасини юқори баҳолади.

Ўзбекистон ва Қирғизистонда мамлакатларимизнинг ноёб геоландшафти ва хилма-хил табиатини ҳисобга олган ҳолда курорт-рекреация марказларини ташкил этишга қаратилган қўшма лойиҳаларни илгари суришга келишиб олинди.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БЕЛАРУСЬ ЕТАКЧИСИНИ ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИДАГИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенкони Президент сайловидаги ишончли ғалабаси билан самимий қутлади.**

Давлатимиз раҳбари сайловчиларнинг фаол иштироки ва овоз бериш натижалари Беларусь халқи амалдаги Президентга юксак ишонч билдираётгани, амалга оширилаётган сиёсат ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлаётганини яна бир бор тасдиқлаганини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида ўтган йил 7-9 февраль кунлари Беларусь Президенти Александр Лукашенконинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш нуқтаи назаридан Ўзбекистон — Беларусь кўп қиррали шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

2024 йилда товар айирбошлаш ҳажми 700 миллион доллардан ошди. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида саноат кооперацияси лойиҳаларини жадаллаштириш, яқин ишбилармонлик ва ҳудудлараро алоқаларни, фаол маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ва Беларусь етакчилари бўлажак тадбирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

**ЎзА**

## Халқаро эътироф

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТАШАББУСИ БИЛАН ИҲТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ТУРИЗМ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТ ҚЎМИТАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

**26 январь куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Туризм бўйича маслаҳат қўмитаси ташкил этилганини эълон қилди.**

Таъкидлаш керакки, 2023 йил 9 ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган ИҲТнинг 16-саммитида Президент Шавкат Мирзиёев туризм соҳасида ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Котибият ҳузурида аъзо мамлакатларнинг туризм маъмуриятлари ва етакчи экспертлардан иборат алоҳида Туризм бўйича маслаҳат қўмитасини ташкил этиш ташаббусини илгари сурган эди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, мамлакатимизнинг Эрондаги элчихонаси (Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотидаги доимий вакили), Туризм қўмитаси ва ИҲТ Туризм департаменти билан ҳамкорликда мазкур ташаббусни амалга ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, юртимиз элчихонаси томонидан ИҲТ Доимий вакиллари кенгаши йиғилишларида мазкур масала муҳокамага қўйилди. Шунингдек, 2024 йил 3 декабрь куни Эроннинг Машҳад шаҳрида ўтказилган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 28-йиғилиши кун тартиби ва “Машҳад коммюникеси”га киритилди.

Ўзбекистон дипломатик ваколатхонаси томонидан олиб борилган самарали музокаралар натижасида Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, хусусан, Эрон, Туркия, Покистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон томонидан мамлакатимиз раҳбари ташаббуси бир овоздан қўллаб-қувватланди.

2024 йил 24 декабрь куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Котибиятида бўлиб ўтган ушбу тузилмага аъзо давлатлар Доимий вакиллари кенгашининг 291-йиғилишида мазкур қўмитани ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинди.

Эслатиб ўтамиз, Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрига “2024 йил — Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти туризм пойтахти” мақоми берилган эди. Мазкур воқеа муносабати билан 2024 йил 25-26 апрель кунлари Шаҳрисабзда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг туризм бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида халқаро форум ҳамда қатор маданий тадбирлар ўтказилди.

**“Дунё” АА**
*Теҳрон*

# ДАВЛАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ: АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ” ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Президент Шавкат Мирзиёев “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт” йили давлат дастури лойиҳаси юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Бугун дунёда иқлим ўзгаришларининг салбий оқибатлари яққол сезилмоқда. Буни олдиндан кўра билиб, мамлакатимизда экологик тоза иқтисодиётга ўтилмоқда.

Охирги уч йилда жойларда 3,5 гигаваттли 16 та йирик қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилди, 35 та кичик ГЭС қурилди. Саноатда “яшил энергия” сертификати тизими жорий қилинди. Қуёш панеллари ўрнатган хонадонлар 60 мингдан ошди. “Яшил макон” дастури доирасида дарахтлар экилиб, боғлар яратиляпти. Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиляпти.

2025 йил мамлакатимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт” йили деб эълон қилинди. Бу борада давлат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилиб, бир ой давомида жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилди. У билан 11 миллион фуқаро танишиб, 100 дан зиёд таклифлар танлаб олинди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тармоқлари ва бошқа ваколатхоналар ҳамкорликка тайёрлигини билдирди.

Давлат дастуридаги энг катта йўналишлардан бири энергетикадир.

Сўнгги йиллардаги жадаллик туфайли мамлакатимизнинг жами қувватларида “яшил” энергия улуши 16 фоизга етди. Бу йил уни 26 фоизга чиқариш режалаштирилган. Бунинг учун яна 3,5 гигаваттли 16 та йирик қуёш ва шамол станцияси, 160 мегаваттли 5 та йирик ГЭС ва 1,8 гигаваттли энергия сақлаш қувватлари ишга туширилади.

Давлатимиз раҳбари бунга қўшимча яна 1 гигаватт қувватли лойиҳаларни шакллантириш бўйича кўрсатма берди.

Шунингдек, давлат корхоналари, саноат ва хизмат кўрсатиш мажмуалари ҳамда хонадонларда қуёш панеллари ўрнатишни рағбатлантириш давом эттирилади. Бунга 2 триллион сўм кредит ажратилади.

Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 19-мактаб тажрибаси асосида боғча, мактаб ва шифохоналарда иссиқлик насосини жорий қилиш оммалаштирилади.

“Яшил” иқтисодиёт бу нафақат тоза энергетикани ривожлантириш, балки тармоқларда энергия самарадорлигини ошириш ҳамдир.

Бу йил камида 6 фоиз иқтисодий ўсиш суръатини сақлаб қолиб, ялпи ички маҳсулотни 125 миллиард доллардан ошириш мақсад қилинган. Бунга эришишда омилкорлик ва тежамкорлик жуда муҳим.

Шу боис, Бош вазир ўринбосари — иқтисодиёт ва молия вазирига энергия самарадорлиги ҳисобига харажатларни 15-20 фоизгача қисқартириш ва қўшилган қийматни кўпайтириш бўйича дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Давлатимиз раҳбари ресурс тежамкор иқтисодиёт моделига ўтиш вақти келганини таъкидлади.

Мисол учун, электротехника, автомобилсозлик, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатида 1 тонна энергия сарфига тўғри келадиган қўшилган қиймат кимё, қурилиш материаллари, тўқимачилик тармоғидагидан 15-20 баробар юқори.

Юқоридаги соҳаларда ҳам ресурсларни тежаш, кам энергия сарфлаб, кўп қўшилган қиймат олаётган тармоқларни ривожлантириш вазифаси қўйилди. Энергия истеъмоли юқори бўлган 400 та йирик саноат корхонаси энергия аудитдан ўтказилиб, тежамкор технологиялар жорий қилиниши белгиланди.

Яқин келажакда ривожланган давлатлар фақат “яшил” технология асосида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни олади. Шу боис, ҳозирдан бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йил ишлаб чиқариш ва инфратузилма лойиҳаларининг 15 фоизи, 2027 йилдан 30 фоизи, 2030 йилдан 55 фоизи “яшил” бўлади. Кам углеродли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Жаҳон банки ва бошқа ташкилотлардан 300 миллион доллар ресурс жалб қилинади.

Энергетика мажмуаларини барпо этишда 4 миллиард долларлик ускуна ва бутловчи қисмлар маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилади. Бу орқали йирик лойиҳаларда “яшил” компонент улуши 25 фоиздан 31 фоизга етади.

“Яшил макон” дастури доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт экилмоқда. Ўтган 3 йилда 698 та боғ ва 316 та жамоат парки ташкил этилди. Орол денгизининг қуриган тубида қарийб 2 миллион гектарли бутазор барпо этилди.

Буни давом эттирган ҳолда, бу йил кўчатчиликка ихтисослашган 18 та ўрмон хўжалиги ташкил қилинади. Уларда “илм — лойиҳа — амалиёт” тамойили асосида генетик селекция ишлари кучайтирилиб, уруғчилик лабораториялари, интенсив тажриба участкалари ва “оналик” плантациялари йўлга қўйилади.

Ушбу хўжаликларда жорий йилда 123 миллион туп кўчат тайёрланади. “Яшил олам” платформаси ишга туширилиб, уларни онлайн сотиб олиш йўлга қўйилади.

Ҳудудида дарахт эккан, ишлаб чиқаришда экологик тоза ускуна ва материаллардан фойдаланганларга “яшил тадбиркор” мақоми берилади. Бу тадбиркорлар рейтингида ҳам инобатга олинади. Уларга ташқи бозорларга чиқиши учун “яшил сертификат” олиш, бозор топишда ҳар томонлама ёрдам берилади.

Йиғилишда мутасаддилар давлат дастури лойиҳасида назарда тутилган вазифалар ва уларни амалга ошириш режалари юзасидан ахборот берди.

**ЎзА**

# КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ БУ ЙИЛ ОЛТИ ФОИЗГАЧА ТУШИРИЛАДИ

## Инсон қадри учун

**Пойтахтимиздаги “Soft towel” масъулияти чекланган жамиятида шу кунларда иш ниҳоятда қизғин. Бу ерда хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараён бир неча босқичда амалга оширилади. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини ҳаётга татбиқ этишга қўшаётган ҳиссасини ўрганиш мақсадида яқинда мазкур корхонада бўлдик.**



*Давоми 3-бетда*

# ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ ЖАВОБ БЕРСАМ ДЕЙМАН

Миннатдорлик



**Инсон олдинда ўзини нималар кутиб турганини билмайди. Айнан шунинг учун ҳам ҳаёт қизиқарли туюлар. Тасодифлар эса яшашга интилишимизни ошириб боради. Зеро, ўзим ҳам ҳозир эришиб турган мавқеимга кўпроқ хизмат қилсам, яна 10 йилларда эришсам керак деб ўйлардим. Чунки хизмат кўрсатган артистларнинг аксарияти 30-35, умуман, ўрта ёшда эга бўлган бу унвонга. Президентимиз фармони билан “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони берилиши шу маънода мени кучли ҳаяжонга солди.**

**Отабек НАЗИРОВ,
Ўзбекистон давлат симфоник оркестри хонандаси,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист**

Ютуқларга эришаётган ёшлар давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканига яна бир бор амин бўлдим. Қувончдан кўзимга ёш келди. Хушхабарни эшитган онимдаги қалб ҳаяжоним, чеки йўқ қувончни эса сўз билан ифода этишим мушкул.

Мамлакатимизда опера санъатига қаратилаётган эътибордан бениҳоя миннатдорман. Аслида, шу пайтгача ҳам қўлга киритган ютуқларим замирида мамлакатимиздаги кенг кўламлиислоҳотлар, ёшларни қўллаб-қувватлашга бўлган эътибор турганини айтиб келганман. Тўғри, фарзанд камолотида оилавий муҳит бирламчи ўрин тутади. Бироқ бола жамиятга қўшила бошлагач, ташқи таъсирлар ҳам унинг шаклланишида муҳим роль ўйнар экан.

Отамнинг ўзи санъаткорлиги, фольклор, мақом йўлларида ижод қилгани учун мени Хивадаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабига олиб борган. Ёнида юриб, доира чалишимни жуда-жуда истаган. Шу тариқа санъатга илк қадамни доира чалиш билан ташлаганман.

Мусиқа мактабида ритмни ўрганган бўлсам-да, овоз имкониятимни ҳам билишни, отамга қўшилиб ашула айтишни хоҳлардим. Шунинг учун коллежда уч йил овоз режиссёрлиги йўналишида таҳсил олдим. Қўшиқ айтар эканман, ўзимда операга мойиллик борлигини сезганман. Шу йўналишда қобилиятимни синаб кўриш истаги санъатнинг бу турига қизиқиш уйғотди. 2018 йилда Ўзбекистон давлат консерваториясига ҳужжат топширдим. Кечагидай эсимда. Имтиҳон шартига кўра, 3-4 та ария, романс ижро қилишим, устозлар ўзаро келишган ҳолда баҳо бериши керак. Бироқ менда бошқача бўлди. Шартни тамомлаб, энди кетмоқчи бўлиб турсам, “Отабек, овозингизнинг диапазонини эшитиб кўрсак бўладими, овозингиз бошқача экан”, деб тўхтатиб қолишди. Пианинода пастки нотамдан то авж пардагача кўрсатиб бердим. Имтиҳон олувчи устоздан “Раҳмат, болам”, деган эътирофни эшитиб, хурсанд бўлиб кетганман. Талаба бўлганимдан сўнг хурсандлигим янада ортди. Катта саҳналарга чиқа бошладим.

Алоҳида айтишим жоиз, операдаги ютуқларимда устозим — профессор Галина Муҳамедованинг меҳнати беқиёс. Чунки талабаликнинг илк онларидан ҳозирги кунга қадар устозим билан она-боладай ишлаб келяпмиз. Айниқса, асарлар танлаш устида кўп изланамиз. Изланишларимиз самараси бу йил Бўзатов фестивалида яққол кўринди. 23-30 ёш тоифаси бўйича опера йўналишида 1-ўринни қўлга киритдим. Ижро ҳайъат аъзоларига ниҳоятда маъқул бўлганини шундан билдимки, таниқли устозлар ижро услубим, овоз имкониятимга ҳеч қандай эътироз билдирмади. Камчиликларимни сўрасам, ҳаммаси жойида, деб жавоб берди. Саҳнада эканимда ўзимни ария ичидаги қаҳрамондек ҳис қилишим, рақиблардан чўчимаслигим, аксинча, улардан куч олишим қўл келди. Аслида, кўплаб давлат тадбирларида қатнашганман. Байроғимизни санъатим орқали баланд кўтарсам дейман. Зеро, бугун ўз устида кўп ишлаган, замон талаби, янги шароитларга монанд изланаётган ёшларга барча эшиклар очиқ. Буни биргина Бўзатов фестивалида чекка қишлоқлардаги ҳеч ким танимаган ёшлар ҳам бирданига катта саҳнага чиқаётганидан, ғолибликка эришаётганидан билиш мумкин. Чунки, тан олиш керак, аввал бунақаси бўлмаган.

Чет элларда санъатимизни тарғиб қилиш ҳам олдин жуда қийин кечганини айтади устозлар. Ҳозир эса исталган давлатга ҳеч қандай тўсиқсиз, аксинча, қўллаб-қувватлов билан бориб, танловларда қатнашяпмиз. Хусусан, ўзим Россияда кўп бўламан. Яккахон концертларим бўлди. Францияда, Грузияда, Ҳиндистонда, Араб Амирликларида бўлдик. Мунтазам равишда “Мир романса” фестивалида қатнашаман. Буларнинг бари мамлакатимизда биз, ёшларга, санъат ва маданиятга кўрсатилаётган эътибор натижаси деб биламан.

2024 йилги ютуқларимдан яна бири ҳар тўрт йилда бир марта бўладиган Глинка танловида 1-ўринни олганим бўлди. Бу ғалаба юртимиз тарихида биринчи эканини эшитганимда ғоят севиндим.

Яқинда Қозонда бўлиб ўтадиган яна бир нуфузли халқаро фестивалга эса кутилмаганда таклиф қилишди. Жуда катта роль ижросига қисқа муддатда, шошилинч тарзда киришиш бир оз қийинчилик туғдиради. Одатда улар ўзларида баланд нотали тенорлар кам бўлгани учун қўшни давлатлардан операчиларни таклиф қилади. Хуллас, таклифга кўра, мен операдан Сабинин ариясини ижро этишим керак. Яқин 30 йилликда уларда шу операни меъёрига етказиб айтган операчи бўлмаган экан. “Агар сенга шуни ишонсак, уддалай оласанми?” дейишди. Бу арияни билишимни айтиб, фестивалда қатнашишга розилик билдирдим. Бир ярим ойки, устозим билан астойдил ишлаяпмиз. Барчасини тўлиқ ёдлаб бўлдим. Шу ўринда айтишни истардимки, опера хонандалари учун хотира катта роль ўйнайди. Фақат сўз эмас, ритмларни эслаб қолиш, қаерда қанақа динамикалар бор, бирортасини унутмаслик керак. Битта операда минглаб кичик деталлар учрайди. Шу маънода, бўлажак операчиларга ҳам ўзи ижро этаётган асарни тўла ҳис қилиб, моҳиятини тушуниб айтса, албатта, ёдида сақланиб қолиши, ютуққа эришишини таъкидламоқчиман.

Насиб қилса, менга билдирилган ишонч, эътирофга жавобан, аввало, давлат симфоник оркестри билан ўзимнинг концертимни ўтказиш ниятим бор. Қолаверса, опера йўналишида худди романсларга ўхшаган муаллифлик асарларимни яратмоқчиман. Бу орқали ўзбек классикасига оз бўлса ҳам ҳисса қўша олсам, ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Муҳими, фармонда айтилганидек, халқаро ижодий алоқаларни мустаҳкамлаш, ўзим каби ёшларнинг санъатга қизиқишини оширишда руҳлантирувчи натижаларга эришсам, давлатимиз раҳбари билдирган юксак ишончни оқласам дейман.

**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

# ИНҚИЛОБИЙ ҲУЖЖАТ

## Соҳа вакиллари Президентимиз яқинда имзолаган фармонни шундай баҳоламоқда

Бугуннинг гапи

**Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17 январдаги “Пахта хомашёсини етиштириш ва сотишда бозор механизмларини қўллашни изчил давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони аграр тармоқ вакилларининг айни дилидаги гап бўлди. Унга соҳа вакилларини қийнаётган қатор масалаларга ечим берувчи, камчиликларни бартараф этувчи инқилобий ҳужжат сифатида баҳо берилаётгани бежиз эмас. Нега?**

Аввало таъкидлаш керакки, фармонга кўра, пахта хомашёси сотув нархи аввалгидек қайсидир вазирлик ёки идора томонидан эмас, Ўзбекистон республика товар-хомашё биржаси томонидан белгиланадиган бўлди. Яъни ҳар йил 1 ноябрда пахта толасининг Нью-Йорк биржасидаги фьючерс котировкаларининг охирги 6 ойдаги ўртача котировкасидан келиб чиққан ҳолда келгуси йил ҳосили учун пахта хомашёсининг бошланғич нархи аниқланади ва биржанинг расмий веб-сайтида эълон қилинади. 2025 йил ҳосили учун эса истисно тариқасида жорий йил 1 февралда бошланғич нархини аниқлаб, эълон қилиш белгиланган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча пахта хомашёси етиштирувчи хўжаликлар ва кластерлар ҳамда уни қайта ишлаш занжирига эга тўқимачилик корхоналари ўртасида пахта хомашёси етказиб бериш бўйича олди-сотди юзасидан фьючерс, форвард ва спот шартномалар эса биржанинг пахта хомашёси секциясида ҳар бир ҳудуд учун алоҳида ўтказиладиган савдоларда тузилади. Эркин танлов асосида ўтказиладиган биржа савдолари орқали хўжаликлар томонидан етказиб бериш муддатлари ҳамда бир ёки бир нечта харидор мустақил равишда танланади. Яъни фақат мана шу кластер билан ишлайсан деган мажбурият йўқ. Барча шартномалар “Агроплатформа” ахборот тизими орқали тузилади.

Ўрнатилган тартибга мувофиқ, 2025 йил пахта ҳосилидан бошлаб **фьючерс шартномалар** 1 ноябрдан кейинги йилнинг 1 июнигача хўжаликлар ва қайта ишловчилар ўртасида биржада эркин шаклланадиган, бироқ эълон қилинган бошланғич нархдан паст бўлмаган нархда тузилади. Бунда фьючерс шартнома Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ресурслари ҳисобидан имтиёзли кредит ажратишга асос бўлади ва имтиёзли кредит эълон қилинган бошланғич нархдан келиб чиқиб ажратилади.

**Форвард шартномалар** 1 ноябрдан кейинги йилнинг 1 мартигача хўжаликлар ва қайта ишловчилар ўртасида ўзаро келишилган нархларда тузилади. Бунда пахта хомашёсини етиштириш харажатлари хўжаликлар ва қайта ишловчиларнинг ўз маблағлари ёки тижорат кредитлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Спот шартномалар** эса реал вақт режимида омборда сақланаётган пахта хомашёсига хўжаликлар ва қайта ишловчилар ўртасида ўзаро келишилган нархда тузилади. Бунда хўжаликларга Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ресурслари ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратишда банкка кредит қийматининг 50 фоизи миқдорида ликвидли мол-мулк тақдим этилади. Спот шартномалар расмийлаштиришни режалаштирган хўжаликлар 2025 йил ҳосили учун 1 майгача кейинги йилдан бошлаб эса ҳар ҳосил йилининг 1 мартигача мавжуд пахта хомашёси омборлари белгиланган талабларга жавоб бериши юзасидан Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва бошқа тегишли идоралар томонидан берилган хулосани ёки худди шундай хулосаси мавжуд омборларда вақтинча сақлаш бўйича тузилган ижара шартномасини “Агроплатформа” ахборот тизимига киритиши шарт. Сақлаш омборлари ёки ижара шартномалари мавжуд бўлмаган хўжаликлар ўзи етиштирадиган пахта хомашёси бўйича ҳар йилнинг 1 мартигача форвард шартномалар, 1 июнигача фьючерс шартномалар расмийлаштириши мумкин.

Яна бир янгилик. 2025 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини ўз маблағлари ва тижорат кредитлари ҳисобидан етиштириб, биржада сотган хўжаликларга шаклланган ҳисоб варақ-фактура қийматининг 10 фоизи миқдорида субсидия ажратилади. Пахта хомашёси етиштириш учун олинган имтиёзли кредитларни ҳосил йилининг 31 декабрига қадар қайтарган хўжаликларга ушбу кредитлар бўйича тўланган фоиз тўловларининг 4 фоизли пункти субсидия сифатида қайтариб берилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, фермерлар ҳамда кооперативларга пахта хомашёсини фақат қайта ишлаб бериш билан шуғулланишга сотиб олиш, сақлаш ва тегирмон усулида бирламчи қайта ишлаш хизматларини ташкил этиш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни сотиб олишга жамғарма ресурслари ҳисобидан тижорат банклари томонидан Марказий банкнинг асосий ставкасида уч йил муддатга 6 ойлик имтиёзли давр билан кредитлар тақдим этилади. Бундан кўринадики, энди фермерлар ўзи етиштирган ҳосилни ўзи қайта ишлаши мумкин. Бу катта имконият.

Шунингдек, фармонда Ўзбекистонда пахта хомашёсини навлар бўйича қабул қилишнинг давлат стандартларига ўзгартиришлар киритиш, қишлоқ хўжалигини сифатли, ҳосилдорлиги юқори ва касалликларга чидамли уруғлик билан таъминлаш ҳамда импорт уруғга бўлган талаб ўсишининг олдини олиш мақсадида селекционер олимлар, уруғчилик корхоналари манфаатдорлигини ошириш тизимини тубдан яхшилаш белгиланган. Пахта ва ғалла қабул қилиш масканларига топшириш ҳамда биржа савдоларида сотиш жараёнларининг тезкорлиги, шаффофлигини таъминлаш учун электрон тарозидаги маълумотлар тўғридан тўғри Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Ҳосил қабули” ахборот тизимига узатилади.

2026 йил якунига қадар суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг тупроқ таҳлил маълумотлари, ҳолати, хосса-хусусиятлари, унумдорлиги, гумус ва озуқа миқдорлари, шўрланиши, эрозияси тўғрисидаги батафсил маълумотларни акс эттирган тегишли хариталари ҳамда ҳар бир контур ва экин турига қараб илмий асосланган тавсияларни ўз ичига олувчи “тупроқ-паспорти” ишлаб чиқилади. 2027 йил ҳосилидан бошлаб экинларни жойлаштириш, агротехник тадбирларни ўтказиш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини молиялаштириш шу паспорт асосида амалга оширилади.

Фармонга кўра, “Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган минерал ўғитларнинг сифати ва хусусиятлари юзасидан деҳқон, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари иштирокида таҳлиллар ўтказилади. Уларнинг фикрларини ўрганиш ҳамда мақбул таклифларни амалиётга татбиқ этиш тизими йўлга қўйилади.

2025 йил 1 апрелдан бошлаб пахта хомашёси ва ундан тайёрланган барча турдаги маҳсулотлар бўйича электрон ҳисоб варақ-фактура расмийлаштирилганда бир вақтнинг ўзида товар-транспорт юкхатини ҳам расмийлаштириш талаб этилади. Ушбу маҳсулотлар турлари рўйхати “Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги” кодлари бўйича Солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади. Кўрсатилган муддатдан сўнг электрон ҳисоб варақа-фактура ва товар-транспорт юкхати расмийлаштирилмаган ва омборларда сақланаётган товар-моддий захиралар қолдиқлари солиқ органлари томонидан саноқдан (инвентаризациядан) ўтказилмайди ҳамда солиқ тўловчининг омборида мавжуд эмас деб ҳисобланади. Бу солиқ базасини яшириш ёки камайтириб кўрсатиш сифатида баҳоланади.

Айни пайтда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши унинг ҳудудий ва туманлар бўлимлари, ҳокимликлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари билан биргаликда ушбу фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, кластер ва фермер хўжаликлари орасида кенг тарғиб қилмоқда. Мулоқотлар давомида юртимиздаги фермерларнинг бир неча ўн йиллардан буён ечилмай келаётган муаммоларига ўринли ва манзилли ечимлар топиляпти. Айтайлик, мазкур фармон имзолангунига қадар пахта хомашёси бўйича кластерларнинг фермер хўжаликларидан қарздорлиги ундирилиши бўйича тўлов маданияти бузилиши юзасидан муаммолар мавжуд эди. Жумладан, 2023-2024 йиллар ҳосилидан етиштирилган пахта хомашёси бўйича кластерларнинг фермер хўжаликларидан қарздорлиги ундирилиши бўйича кенгаш ҳуқуқшунослари томонидан фермер хўжаликлари манфаатини ҳимоя қилиш учун судларга 10 минг 135 та даъво аризаси киритилди.

Республикамиздаги 136 та пахтачилик туманида 14 мингдан ортиқ фермер хўжалигининг 2 миллиард 32 миллион 482 минг сўм ҳақдорлиги мавжуд бўлиб, 6829 та фермер хўжалигининг 1 миллиард 241 миллион 32 минг сўм ҳақдорлиги ундириб берилди. Ўтган йилнинг 20 декабрь ҳолатига кўра, 25 та тумандаги 2588 та фермер хўжалигининг 160 миллион 923 минг сўм қолдиқ ҳақдорлиги мавжуд. 121 тумандаги фермер хўжаликларининг кластерлардан бўлган ҳақдорлиги сўндирилган.

Кенгаш ҳуқуқшуносларининг бевосита амалий ёрдами билан 11 минг 300 та фермер хўжалигининг тайёрлов, маҳсулот етказиб берувчи ва хизмат кўрсатиш ташкилотларидан ҳақларини ундириб бериш бўйича судларга 1 миллиард 850 миллион 61 минг сўмлик даъво аризалари киритилди. Шундан 8462 таси қаноатлантирилиб, 1 миллиард 373 миллион 491 минг сўмини ундириш бўйича суд қарорлари қабул қилинди.

Фермер хўжаликларининг бошқа масалаларидаги 1646 та мурожаати ҳал этилиб, 961 миллион 403 минг сўм ундириб берилди ва ҳудудларда ҳуқуқий саводхонлик бўйича ўқув-амалий семинар, конференция, йиғилишлар, тарғибот ва ташвиқот ишлари ўтказилди.

Ҳудудий ва туман кенгашлари томонидан барча пахта ва ғалла кластерларига фермерларнинг ҳақдорлиги бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар асосида иқтисодий судларга даъво аризаси киритиш ишлари тизимли ташкил этилган.

**Нажмиддин МИРАБДУЛЛАЕВ,
Соҳибжон ҲАТАМОВ,
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бўлим бошлиқлари**

Тадбиркор — элга мададкор

# КЕКСАЛИК БЕКОРЧИЛИК ЭМАС



**Фарғоналик тадбиркор Абдураҳмон Ниёзовни таниганимга чорак асрдан ортиқ вақт ўтди. Оддий, камтар, камсуқум бу инсон ҳамиша ҳаракат ва изланишдан тўхтамайди.
Ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари уй шароитида ногиронлар учун махсус аравачалар тайёрлаш билан элнинг назарига тушган тадбиркор бугунга келиб 10 дан зиёд соҳани қамраб олган ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини йўлга қўйиши ҳисобига 200 дан ортиқ иш ўрни яратди. Бу ерда йилига ўрта ҳисобда 160 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Маҳсулотларнинг асосий қисми ички эҳтиёжлар, МДҲ давлатлари, Осиё ва Европа мамлакатларига экспорт қилиняпти.**

Тадбиркорликни талаб ва эҳтиёж, илм-фан билан уйғунлаштирган ҳолда юритишга одатланган нуроний ҳамон изланишда. У бошқалар қилмаган ишнинг бошини тутишга одатланганлардан.

Фарғона шаҳридаги “Сайқал” савдо ишлаб чиқариш корхонасида катта ҳаётий ва амалий тажрибага эга мутахассислар, замонавий билими ва дунёқараши кенг ёшлар жамланган. Абдураҳмон ака улар билан ҳамжиҳатликда ишлаб, янги ғоя ва мақсадларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келади. Бу корхона фаолиятини йиллар давомида такомиллаштириш, ривожлантириш имконини бермоқда.

Бугунга келиб жаҳон андозаларига мос олти турдаги ногиронлар аравачаси, болалар велосипеди, 40 турдаги рақамли ва аналогли эшитиш ҳамда ортопедик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, каустик сода, ўт ўчириш суюқлиги ва кукуни, кўчма бурғилаш лабораторияси, фермер хўжаликлари учун сувнинг ҳарорати, лойқаланиш даражаси ва тиниқлиги, сув ҳавзаси чуқурлиги, унинг кальций, магний ва фосфор каби кимёвий элементларга бойлигини ўлчайдиган кўчма лаборатория жамланмалари аллақачон ўз харидорларига эга бўлган маҳсулотлар сирасига киради.

Юқорида санаб ўтилган маҳсулотларнинг аксарияти шу кунга қадар четдан импорт қилинган. Энди бунга ҳожат қолмади, мижозларнинг вақти, нақди тежалмоқда.

## Сув тежовчи бетон тўшама

Кейинги йилларда мавжуд сув ресурсларидан мақсадли фойдаланиш, йўқотишларнинг олдини олишга эътибор ошди. Бу бежиз эмас, албатта.

Мутахассисларнинг қайд этишича, юртимизда сув манбаларининг салмоқли қисми қишлоқ хўжалигида ишлатилади ва табиий неъмат ирригация тармоғидан айнан дала боши — экин майдонига етиб боргунича каттагина қисми йўқотилади. Яъни самарасиз ҳолда тупроққа сингиб кетади. Бунинг олдини олиш билан боғлиқ бир қанча истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, ёмғирлатиб, томчилатиб, дискерли суғориш йўналишларидаги лойиҳалар сув сарфини тежаш билан бирга экин ҳосилдорлигини ошириш, харажатни камайтириш, даромад салмоғини кўпайтириш имконини беряпти.

Ариқларни бетонлаш кенг тус олган бугунги кунда тадбиркор ташаббуси билан яна бир янгилик — ўрама бетон қопламалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Юқори маркали маҳаллий цемент қоришмалари қўшиб тайёрланаётган маҳсулотлар ҳар жиҳатдан самарали, фойдаланиш учун ўта қулай бўлиб, тўрт киши бир кунда бир километрдан ортиқ ариқни бетонлаши мумкин. Бу анъанавий бетонлашга қиёслаганда бир неча баробар тез, арзон ва узоқ муддат ишлаш хусусияти билан ажралиб туради.

Бунинг учун, биринчи навбатда, ариқ текисланиб, кейин унга ўрама бетон ёйиб солинади, уч-тўрт маротаба сувлангач, мустаҳкам бўлади. Ундан бир кундан сўнг бемалол фойдаланиш мумкин. Бундай бетон ариқ сув исталган манзилгача исроф бўлмай етиб боришини таъминлайди. Лойиҳа доирасида 20 нафар ёш доимий иш ўрни билан таъминланди.

— Бу каби маҳсулотлар шу кунга қадар кўплаб хорижий давлатларда ишлаб чиқарилади, аммо уни харид қилиш ортиқча харажат ва оворагарчилик талаб этади, — дейди тадбиркор Абдураҳмон Ниёзов. — Масалан, Буюк Британияда бир квадрат метр маҳсулотни 21 доллар, Россия ва Хитойда 16-14 доллардан харид қилиш таклиф қилинмоқда. Шу боис, мутахассисларимиз билан узоқ вақт давомида илмий-амалий изланишлардан сўнг белгиланган технологик меъёр ва талаблар асосида ўрама бетон ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга туширдик. Асосан, маҳаллий хомашёлардан тайёрланган маҳсулотимизнинг 1 квадрат метри 44 минг сўмни ташкил этади. У ҳар жиҳатдан ҳамёнбоп бўлиб, яроқлилик муддати 50 йил. Ётқизилгандан сўнг қоплама тагидан бегона ўт чиқмайди, турли ёриқлар кузатилмайди.



Фарғона вилояти ҳокимлиги, Сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда деҳқон ва фермер хўжалиги, томорқа ер эгалари иштирокида ўрама бетон қопламалардан фойдаланиш, унинг афзалликлари хусусида амалий семинарлар ташкил этилди. Маҳсулот ички бозордан ташқари экспортга ҳам чиқариляпти. Шу кунга қадар биргина Россияга 16,5 минг квадрат метр ўрама бетон қоплама экспорт қилинди.

— Ўрама бетон қоплама ҳар жиҳатдан самара бериши билан эътиборимни тортди, — дейди Учкўприк туманидаги “Абдулазиз Маҳаммадалиев” фермер хўжалиги раҳбари Абдуҳалил Қўзиев. — Фермер хўжалигимиздаги 300 метр ички сув ариққа икки киши 2 соатда бетон қоплама тўшадик. Сарф-харажатлар бир квадрат метр учун 50 минг сўмга тўғри келди. Бу миқдордаги сув йўлини эски усулда бетонлаш учун 10 киши икки-уч кун овора бўлиши мумкин. Янги усул харажатларни уч-тўрт ҳисса камайтириш имкониятини берди, қулай ва тежамкор.

## Тошдан қоғоз ишлаб чиқарилмоқда

Жорий этилаётган инновацион ёндашувлар туфайли таянч ва ҳаракат аравачаларининг янги намуналари, яъни электр узатма ёрдамида юрадиган турларини ишлаб чиқаришга киришилди. Шу мақсадда янги корхона учун замонавий бино бунёд этилмоқда. Корхона таъсисчилигида фаолият кўрсатаётган “UD-audifon” Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида эса замонавий ва қулай бўлган эшитиш мосламалари тайёрлаш йўлга қўйилган.

“Fargona Stone Paper” корхонасида йилига 9 минг тонна тошдан қоғоз ишлаб чиқариш қувватлари ишлаб турибди. МДҲда ягона ушбу ноёб лойиҳа туфайли Ўзбекистон дунёда тошдан қоғоз ишлаб чиқариш бўйича Хитой, Япония, Эрон ва Тайвандан кейинги бешинчи давлат саналади.

Унинг таннархи оддий қоғозларга қараганда икки баробар арзонлиги билан ҳам аҳамиятли. Бугунги кунда ушбу маҳсулот Туркия, Россия, Болгария сингари мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини янада ошириш, экспорт географиясини кенгайтириш борасида янги лойиҳалар режалаштирилган.

**Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

*Шерзод Қорабоев олган суратлар.*



# КАМБАҒАЛЛИК ДАРАЖАСИ

## БУ ЙИЛ ОЛТИ ФОИЗГАЧА ТУШИРИЛАДИ



**Баҳор ХИДИРОВА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Бошланиши 1-бетда**

Замонавий дастгоҳлар оралаб юрарканмиз, бир қарашда уларни бошқариш осондек кўринади. Аммо ҳар бир қурилма олдида ишнинг боришини диққат билан кузатиб, назорат қилиб турган ёшларнинг хатти-ҳаракатидан уларни ишлатиш учун чуқур билим ва тажриба кераклигини англаймиз.

Калава ипдан ишлаб чиқарилган табиий мато корхона ичидаги тикув цехига етказиб берилади. Моҳир тикувчилар бу матодан йигирма турдаги сочиқ ва бошқа маҳсулотлар тикиб, бозорга чиқаради. Тоза пахта матодан тикилган маҳсулотлар нафақат юртимизда, қўшни мамлакатларда ҳам харидоргир. Шунга яраша корхонанинг даромади юқори.

Албатта, бундай замонавий корхона фаолиятини йўлга қўйган ва уни янада кенгайтиришни ният қилган тадбиркор учун инфратузилма ва молиявий қўллаб-қувватлов билан бирга, малакали ишчи-ходимлар ҳам муҳим. Кўплаб замонавий корхоналар қаторида мазкур МЧЖда ҳам малакали ишчилар юксак баҳоланади.

— Фаолиятимизни янада ривожлантириш учун малакали тикувчиларга катта эҳтиёжимиз бор, — дейди корхона раҳбари Шоҳида Тешабоева. — Шу боис, бундай ишчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз ва юқори маош берамиз. Ҳозир тикув цехимизни янада кенгайтириш ҳаракатидамиз. Шу мақсадда корхонамизга яқин жойда замонавий бино қуриляпти. Яқин кунларда ушбу иншоот ишга тушса, қўшимча иш жойлари очилади.

Бугун юртимизда ушбу МЧЖ сингари кундан кунга фаолияти ривожланиб бораётган, ишсизлик муаммосини бартараф этиш орқали камбағалликни камайтиришга ҳисса қўшаётган, аҳолига юқори маошли иш жойлари таклиф этаётган замонавий корхоналар кўпаймоқда.

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги “Файз М” хусусий кўп тармоқли корхонаси шулардан бири. Ушбу корхонанинг 1500 дан зиёд ишчиси бор. Аҳамиятли жиҳати, корхонанинг қатор филиаллари чекка қишлоқларда жойлашган. Бу имконият қишлоқ ёшларини замонавий касб-ҳунарга ўргатиш ва ишли қилишга замин яратяпти.

Корхона таъсисчиларидан бири Нурилло Латиповнинг айтишича, тикувчиларга иш ҳақи тўлаш ишбай асосида йўлга қўйилган, ҳатто моҳир тикувчилар орасида 10 миллион сўмгача маош олаётганлар бор. Айни пайтда корхонада яна 500 иш ўрни мавжуд. Бу ҳунари ва ҳалол меҳнати ортидан юқори даромад топишни ният қилган кўплаб ёшлар, айниқса, хотин-қизлар учун қулай имконият. Албатта, юқори даромад ишлаб топиш имкони бор корхонада олисдан қатнаб бўлса-да, ишлашни истайдиганлар топилади. Корхона маъмурияти бу борада аҳолига шароит яратиш учун ишлаб чиқариш тармоқлари яқинида ётоқхона барпо этишни режалаштирмоқда.

Фаол тадбиркорларимизнинг ибратли лойиҳалари ҳақида бежиз сўз бошламадик. Зеро, экспертлар таҳлилича, аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва ишсизликни бартараф этиш камбағаллик муаммосига қарши курашнинг муҳим мезонларидан. Бу йўналишда мамлакатимизда хайрли ишлар бошланганига ҳали кўп вақт бўлмади. Жамиятимиздаги камбағаллик муаммоси илк бор 2020 йилда тилга олиниб, шу йўналишда чора-тадбирлар амалга оширишга киришилди. Ўшанда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди. Ўтган йилларда 3,5 миллион одамни даромадли қилиш орқали 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушди.

Бу соҳада қисқа муддатда эришилган натижалар замирида тадбиркорлик ривожи учун қулай муҳит яратилгани муҳим омил бўлмоқда. Шу билан бирга, маҳаллада камбағалликни қисқартириш, тадбиркорлик лойиҳаларига 35 триллион сўмлик кам фоизли кредит, 7 триллион сўмлик субсидия берилди. Маҳаллаларни обод қилиш, боғча, мактаб, тиббиёт, йўл, сув ва электр инфратузилмаси учун 120 триллион сўм ажратилди. Шунингдек, деҳқончилик қилиб, даромад топиши учун 800 минг кишига 260 минг гектар ер ажратилди.

Ўтган йил 11 ой мобайнида 319,5 минг микролойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 567 мингта янги иш ўрни очилди. Бундан ташқари, деҳқончилик қилиш учун 60,6 минг гектар экин майдони ижара асосида ажратилиб, 157,3 минг киши даромад манбаига эга бўлди. “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш” дастури доирасида 339,9 минг лойиҳага 5859 миллиард сўмлик кредит берилди.

Бундан ташқари, 58,5 минг ишсизнинг, айниқса, камбағал оила аъзоларининг тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандлик фаолиятини рағбатлантиришга 325,5 миллиард сўмлик субсидия ажратилди.

2024 йилда 5 миллион кишининг бандлигига кўмаклашиш дастури ишлаб чиқилиб, шу асосда иш қилинди. Натижада ўтган йилнинг дастлабки ўн ойида қарийб 4,5 миллион киши даромадли иш билан таъминланди. Шу орқали меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси қисқарди.

Яна бир мисол: 2020 йилдан буён 3 миллиондан 5 миллион сўмгача ойлик оладиган ишчилар 2 баробар, 5 миллиондан 7 миллион сўмгача олувчилар эса 3 баробар ошди. Шунга мос равишда камбағаллик даражаси йилига ўртача 3 фоиз камайиб боряпти.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили”да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида бу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш кўзда тутилган. Хусусан, давлат дастури лойиҳасининг амалий тадбирлар режаси 27-мақсади айни шу масалага бағишланган. Шунингдек, лойиҳада аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш борасида ҳам тегишли вазифалар белгиланган.

### Шу йил 1,5 миллион киши камбағалликдан чиқарилади

Мамлакатимизда барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш суръатини изчил таъминлаш орқали 2025 йил якуни билан камбағалликни 6 фоизгача қисқартириш мақсад қилинди. Шунинг учун ҳудудларда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларининг натижадорлигига эришишда янгича ёндашув ва тўпланган миллий тажрибани қўллаш бўйича ишлар кўламини янада кенгайтириш лозим. Президентимизнинг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Фармонга мувофиқ, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотига кўра, яратилган имкониятлар орқали 2025 йилда 1,5 миллион кишини камбағалликдан чиқариш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, 5,2 миллион кишининг доимий ва мавсумий ишлар билан бандлигини таъминлаш орқали ишсизлик даражаси 5 фоиз камайтирилади. Бунинг учун Сайхунобод тажрибаси асосида кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш йўналишида ҳар бир маҳаллада ўртача 40 тадан — жами 378 мингта микролойиҳа амалга оширилади. Натижада 756 мингдан ортиқ янги иш ўрни очилади. 300 минг лойиҳага оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, “Бизнесга биринчи қадам” дастурлари ҳамда микромолия ташкилотлари орқали 15 триллион сўмлик кредит ажратилади.



> **2020 йилдан буён 3 миллиондан 5 миллион сўмгача ойлик оладиган ишчилар 2 баробар, 5 миллиондан 7 миллион сўмгача олувчилар эса 3 баробар ошди. Шунга мос равишда камбағаллик даражаси йилига ўртача 3 фоиз камайиб боряпти.**

Мавжуд 65 та касбий кўникмалар маркази ва нодавлат таълим ташкилотлари ҳамда уста-шогирд мактабларида 220 минг киши 70 та йўналишда ўқитилади. 56 минг фуқарога ўзини ўзи банд қилиш ва тадбиркорликни бошлаш учун 300 миллиард сўмлик субсидия ва ссуда ажратилади. 14 та йирик кўп қаватли комплекс саноат маркази барпо этилади ҳамда тадбиркорларга фаолият юритиш учун берилади.

Бу соҳада яна бир йўналиш ижара асосида ер ажратиш ва томорқачиликни ривожлантиришдир. Бунинг учун 100 минг камбағал оилага 50 сотихдан жами 50 минг гектар ер ажратилади. Улар ушбу ерда даромадли экинлар экади. 50 та туманда 50-100 гектардан ижара асосида ажратилган ерда саноатлашган плантация, боғ ва узумзорлар барпо этилади. Ижарага берилган 6,7 минг гектар майдонда юқори даромадли экинлар экилади. Унда ҳар бир туманда “бир контур — бир маҳсулот” тамойили асосида намунали лойиҳалар амалга оширилади.

Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Бу борада саноат кириб бормаган маҳаллаларда мингта қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ҳамда кичик ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилади. Икки мингта маҳаллада салоҳиятли тадбиркорлар, экспортёрлар ва брокерлар билан ҳамкорликда етакчи ишбилармонлар фаолияти йўлга қўйилади. Маҳаллаларнинг ўзида 500 та ҳунармандлик ва касаначилик лойиҳаси ишга туширилади. Тадбиркорлик ташаббусига эга, ўзини ўзи банд қилган 50 мингдан ортиқ шахс кичик бизнес субъектига айлантирилади. 1024 та маҳаллада инфратузилмани яхшилашга 3,2 миллиард сўм ажратилади.



### Ақл кўпга етказади, ҳунар кўкка

Яқинда ижтимоий тармоқларда қизиқ бир хабарга кўзим тушди. Унда ёзилишича, ривожланган мамлакатлардан бирида ёшлар орасида уйдаги оддий маиший ишларни бажаришдан бош тортадиганлар кўпайиб бораётган экан. Натижада улар ҳатто машинасини ювиш ёки хонадонидаги электр чироқларини алмаштириш учун ҳам мутахассисларга пул тўлашга мажбур бўлмоқда. Бу хусусда тадқиқот ўтказган мутахассислар ушбу ҳолатдан ташвишланмай қолмайди, албатта.

Тўғри-да, инсон ҳалол меҳнат қилиб ёки тадбиркорлик орқали яхши даромад топиши мумкин. Лекин уни тўғри сарфлашни ҳам билиши керак. Айниқса, уй ичидаги оддий ишларга ҳам уста ёллаб, маошнинг муайян қисмини сарфлаш оила даромадига таъсир қилади. Чунки ҳаёт бир текис эмас. Кун келиб, инсоннинг тўплаган барча бойлиги қўлдан кетиши мумкин. Шундай вазиятда ҳунар, албатта, асқотади. Зеро, мутафаккир аждодларимиз айтганидек, ҳунар — туганмас хазина. Айнан илм ва ҳунар туфайли инсон ҳаётда учрайдиган синов ва машаққатларни енгиб, юксак мақомга эришишига ҳаётий воқеалар орқали кўп бор гувоҳ бўлганмиз.

Шу боис, юртимизда аҳоли ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар жараёнида ишсиз аҳолини бозорда талаб юқори бўлган замонавий касбларга ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу йўналишда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимидаги 82 та ўқув маркази ҳамда 104 та нодавлат таълим ташкилоти билан ҳамкорликда 91 та касб-ҳунар йўналиши ҳамда 8 та хорижий тилга ўқитиш йўлга қўйилган. Касбий кўникмалар марказларида, энг аввало, меҳнат бозори талабидан келиб чиқиб, қўшимча тарзда 12 та янги касбга ўқитиш ташкил этилди. Жумладан, электромобилларни таъмирловчи ва дастурловчи, қуёш панеллари ўрнатувчи ва таъмирловчи, алюминий профиллар устаси, бурғилаш бўйича чилангар, пармаловчи ва бошқа касблар.

Мисол учун, “BYD UZBEKISTAN FACTORY” МЧЖ буюртмаси асосида 450 ёш автоэлектр таъмирчиси, мотор устаси, пайвандчи касблари бўйича ўқитилди ва ишга жойлаштирилди. Йирик корхоналар — Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари учун 2,5 минг бурғиловчи, пармаловчи, пайвандчи, ҳудудий газ таъминоти корхоналарига 1,5 минг пайвандчи тайёрланмоқда. Умуман, 2024 йилнинг 11 ойида 221,1 минг ишсиз касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмалари бўйича ўқишга жалб этилиб, қамров 2023 йилга нисбатан 1,7 баробар оширилди.

Бугунги ахборот технологиялари асрида ҳатто юртимизнинг чекка қишлоқларида истиқомат қилаётган ёшлар орасида ҳам дунёдаги нуфузли олий таълим даргоҳларида таҳсил олиш ва жаҳондаги етакчи компанияларда ишлаш истагидагилар кўпчиликни ташкил этади. Фарзандларимизнинг бундай юксак орзулар билан яшаши ва шу мақсад йўлида изланиши қувонарли, албатта.

Аммо ота-оналарнинг ҳам жигарбанди келажаги хусусида ўз орзу-умиди бўлиши табиий. Аввало, ҳар бир ота-она фарзанди иш излаб олис юртларга кетишини эмас, оиласи бағрида яшаб, яхши маошли ишда ишлашини истайди. Бу борада рақамли технологиялар соҳаси энг мақбул йўналишдир. Зеро, ушбу соҳадаги ишларнинг аксари дунёнинг исталган нуқтасида туриб ишлашга имкон беради.

Рақамли технологиялар вазирлиги маълумотига кўра, бугун мамлакатимизда 10 мингдан зиёд дастурчи масофадан туриб, АКТ бозорига хизмат кўрсатмоқда. Уларни рағбатлантириш тизими такомиллашуви ортидан 2030 йилга бориб, кўрсаткич 30 мингга етиши кутилмоқда. Бу борада “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси катта самара бермоқда.

Бу мамлакатимизда маҳаллий дастурчиларни тайёрлаш лойиҳаси бўлиб, унинг доирасида ёшларни замонавий касбларга бепул онлайн курслар ташкил этилган ҳолда ўқитиш мақсад қилинган. Шу йўналишда Ўзбекистон ва АҚШнинг “Coursera” платформаси ўзаро ҳамкорлик қилмоқда.

“Coursera” масофавий таълим платформасида дунёнинг 300 га яқин етакчи университети ва компанияларнинг 8 йўналишдаги 12 мингта профессионал таълим ресурси жойлаштирилган. Бу платформа орқали ахборот технологияларининг турли соҳаси бўйича билим олиш ва касбий маҳоратни ошириш мумкин. Ҳозир “Coursera” платформасининг 1 миллиондан зиёд ўзбекистонлик тингловчиси бор. Уларнинг 90 фоизи ўқувчи ва талабалар улушига тўғри келади.

2024 йилда “Coursera”нинг профессионал IT сертификат курсларида ўқиш кўрсаткичи 206 фоиз ошган. Ушбу ҳамкорлик орқали юртимизнинг олис қишлоқларидаги ёшлар ҳам дунёнинг етакчи университет ва компанияларидаги энг юқори талабга эга курсларда онлайн ўқиш имконига эга бўлмоқда. Бу жараёнда ёшларимизнинг ўз мақсадига етишиши учун қунт ва давомийлик муҳим. Курсларни тамомлаб, халқаро сертификат имтиҳонларидан ўтиш глобал меҳнат бозорига йўл очиб беради.

Ўтган йили “Coursera” олтинчи йиллик “Global Skills” ҳисоботини эълон қилди. Унга кўра, “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасидаги ислоҳотлар натижаси ўлароқ, платформада Ўзбекистон ишчи кучи улушида ўрганувчилар сони бўйича биринчи ўринни эгаллади. Яъни ишчи кучини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган кўникмалар билан таъминлашга энг кўп сармоя киритаётган мамлакатлар рейтингида давлатимиз етакчи ўринда қайд этилди.

Бу ютуқлар юртимизда инсон капиталини ривожлантириш, фарзандларимиз ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб вояга етиши ва бахтли ҳаёт кечиришини таъминлаш йўлидаги муҳим ислоҳотларнинг ўзига хос самарасидир. Айни пайтда “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришга йўналтирилган чора-тадбирлар изчил давом этмоқда. Буларнинг барчаси халқимизнинг ҳаётини тубдан яхшилаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторига киришида муҳим пойдевор бўлади.



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Ислоҳотлар самараси

# ҲАР БИР ИШНИНГ УСТАСИ БЎЛИШ

## туман тараққиётининг асосий омили



**Тяньшань тоғларининг осмонўпар чўққисидаги қору музликлардан ҳосил бўлган Норин дарёси сувини минг дардга даво дейишади. Болалари қишда ялангоёқ югурадиган, йигит-қизларининг ғайрати юрагига, кучи билагига сиғмайдиган жой, деб таърифлашади ўша дарё соҳилида ястанган Учқўрғонни.**

"Учқўрғоннинг ерига ҳеч нима экмасанг, ердан ер ўсиб чиқади" деган гап бор туман аҳли орасида. Шунинг учун одамлари меҳнатсевар. Ер фақат севилади. Уруғларга, кўчатларга меҳр берилади.

"Ўн ишнинг чироқчиси бўлгунча бир ишнинг устаси бўл", деган Имом Ғаззолий. Учқўрғонликларнинг ҳар бири ўз ишининг устаси.

### Балиқчиликда катта лойиҳа

Балиқ гўштидан тортиб, тангасигача фойдали. Уни тозалаб, чиқитини ташлашга шошилманг. Товуқларингизга беринг, қишнинг, ёзнинг чилласида ҳам тухум қўяверади. Балиқ еган инсонда кальций етишмовчилиги муаммоси бўлмайди, бўғим оғриғидан шикоят қилмайди.

Балиқнинг овози чиқмагани билан уни еганнинг овози тетик, қадами дадил бўлади. Учқўрғонда фаолият юритаётган балиқчилик корхонасига борсангиз, бу ернинг эгаси ростдан ҳам олтин балиқ тутиб олган деб ўйлайсиз. Халқ ичида "хонбалиқ", "камалак", "мармар" деб талқин қилинадиган форель балиғини етиштириш билан шуғулланаётган корхона балиқчилик ҳақидаги тасаввурингизни ўзгартириб юборади. Корхонадаги муҳит биз билган анъанавий балиқчиликдан фарқ қилади. Экологик жиҳатдан талабга жавоб беради, ҳудудини янада кенгайтириш мумкин. Атроф-муҳит манзараси ҳам соҳани ривожлантиришга жуда уйғун.

"DB Group Eco" корхонасининг лойиҳа қиймати 40 миллиард сўм. Шундан 28 миллиарди банк кредити, қолгани эса лойиҳа ташаббускори маблағи. 100 киши ишлайдиган корхона тасарруфидаги 5 гектар жойда увулдириқ ва човоқ етиштириш учун ёпиқ сув ҳавзалари ҳамда 66 та очиқ ҳовуз барпо этилган.

— 2018 йил майида давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифи пайтида лойиҳамизни тақдим қилган эдик, — дейди корхона таъсисчиси Азизбек Даминов. — Ишимиз маъқул бўлгани учун бизга 20 гектар ер ажратилди ва интенсив балиқчилик хўжалигини йўлга қўйиш топшириғи берилди. Лойиҳамиз асосида ўша йил охиригача 5 гектар майдонда иш бошладик. Кейинги йил бошидан эса Даниядан балиқ увулдириқларини олиб келиб етиштиришга киришдик. Орадан бир ярим йил ўтгач, илк маҳсулотларимизни ола бошладик. Лойиҳамизда йилига 2 минг тонна форель балиғини етиштириш режа қилинган. Ҳозир юртимизнинг йирик савдо тармоқларига балиқ етказиб бериш билан шуғулланяпмиз. Алоҳида ишлаб чиқариш цехимиз ҳам бор. Унда форель музлатилган ҳолда, шунингдек, совуқ ва иссиқ дудланган, филе ҳамда кам тузланган ҳолатда ички бозорга чиқарилмоқда. Бундан ташқари, Учқўрғон табиати ҳам балиқ етиштириш учун жуда мос. Бу бизга ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ёрдам беряпти. Жойимиз ҳам жуда қулай, Норин дарёсидан сув оламиз ва оқиб ўтган сув яна шу дарёга тушаверади.

Корхона фаолияти билан танишар эканмиз, бу ерда лосось балиғи ҳам етиштирилишига гувоҳ бўлдик. Форель ҳам, лосось ҳам анча ноёб балиқлар турига киради. Қолаверса, иккиси ҳам жуда нозик, фақат муайян шароитдагина ривожланиб, кўпаяди. Норин дарёсининг шу қисми "DB Group Eco" корхонаси томонидан бежиз танланмаган. Ҳар икки турдаги балиқлар махсус қурилган ҳовузларда кўпайтирилмоқда.



— Ҳудудимизнинг ўзига хос жиҳати шундаки, форель табиий шароитда ҳам учрайди, балиқчиларимиз овлаб туради. Лекин бизнинг истагимиз — бутун Ўзбекистон халқи шу неъматни суйиб тановул қилиши керак. Балиқчилик ривожлангани сари бундай имконият кенгаяверади. Давлатимиз раҳбари корхонамизга ташрифи чоғида ҳар бир хонадон дастурхонига бу маҳсулот етиб бориши зарурлигини, бунинг учун эса балиқнинг озуқаси, емини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди, — дея қўшимча қилди Азизбек Даминов.

### Саноат синоатлари

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида саноатни ривожлантириш, модернизация қилиш, янги корхоналар барпо этиш ҳамда маҳсулотларнинг сифатини ошириш давр талабига айланган. Хусусан, бугун енгил саноат тармоғидаги корхоналар ишлаб чиқараётган тайёр маҳсулотлар сифати ва замонавийлиги жиҳатидан ҳар қандай хорижий давлатлар маҳсулоти билан беллаша олади. Буни масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Uztex-Uchkurgan" Ўзбекистон — Буюк Британия — Сингапур қўшма корхонаси фаолиятида ҳам кўра оламиз. "Uztex-Uchkurgan" ип йигирув ва тўқув мажмуаси "Uztex-Uchkurgan" ва "Uchkurgan Textile" заводларини ўз ичига олган. Мажмуа замонавий усулда пахтадан ва аралаш толадан ип-калава, момиқ мато ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Салкам 16 гектар майдонни эгаллаган бу муҳташам корхонанинг қурилишига, янги замонавий технология ва жиҳозлар сотиб олинишига қарийб 120 миллион доллар маблағ йўналтирилган. Мажмуа йилига 12 минг тонна ип-калава ҳамда 3 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, бу ерда 1000 дан ортиқ янги иш ўрни очилган.



Туманнинг Фаровон маҳалласида "Зарафшон текстил" корхонаси икки йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Лойиҳа қиймати 10 миллион долларни ташкил этувчи ушбу корхона 400 кишини иш билан таъминлади. Айниқса, корхонадаги хотин-қизлар ғайрати жўшқин. Ишхонадаги шароитлардан мамнун, қўли қўлига тегмайди. "Зарафшон текстил" жамоаси келгусида ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозоридан ўрин олиб, экспорт салоҳиятини оширишни мақсад қилган. Бу эса фаолиятни янада кенгайтириб, янги иш ўринлари очиш орқали халқнинг ўчоғига ўтин, қозонига мой, оиласига тўкинлик беради.

### Томчилатиб суғориш усулида қулупнай етиштириш

Тумандаги аҳоли томорқалари, боғлар, очиқ ер майдонлари, иссиқхоналардан оқилона фойдаланган ҳолда аҳолининг мева-сабзавотга эҳтиёжини узлуксиз таъминлашга эришилмоқда. Учқўрғонлик миришкорлар қулупнайни ерда эмас, балки гидропоника усулида етиштирмоқда. Аҳамиятли жиҳати, бундай усулдан фойдаланиб, йил — ўн икки ой ҳосил олиш мумкин.

Ҳудуднинг асосий драйвери — қулупнайчилик. Учқўрғонликлар қулупнай етиштиришда юқори тажриба ва ихтисослашувга эга. Тадбиркорлар етиштираётган маҳсулотларга ички бозорда талаб юқори. Айниқса, кўчатлар турли усуллар билан иссиқхоналарда экилаётир.

Тадбиркор Умиджон Иброҳимовнинг 2 гектарли иссиқхонасида 400 мингта қулупнай кўчати гидропоника усулида етиштирилмоқда. Ўтган йили кўчатларнинг ҳар донаси 3 доллардан Жанубий Кореядан олиб келинди. Меҳнат ўз натижасини кўп куттирмади. Ноябрдан ҳосил бера бошлади. Томчилатиб суғориш технологиясига ўтилгани эса сувни тежаш баробарида ҳосилга ҳосил қўшиб, даромадни оширишга хизмат қилмоқда. Тадбиркор 9 та иссиқхона корпусида ташкил этган қулупнайчилик тармоғидан турли солиқ ва чиқимлардан ташқари 500 миллион сўм соф фойда олмоқда. Бу Президентимиз илгари сурган Сайхунобод тажрибасининг амалдаги намунасидир.

Иссиқхонадаги қулупнай кўчатлари Ҳиндистондан олиб келинган биогумусга экилиб, тежамкор технологиялар асосида турли кимёвий ўғитлар билан парваришланади. Аҳамиятлиси, кўчатлар шу жойнинг ўзида етиштирилади. Бу эса ортиқча сарф-харажатнинг олдини олиш, иқтисодий самарадорликка эришишга замин яратяпти.

Яна бир миришкор Умаржон Нурмаматов ишни маиший хизмат кўрсатиш соҳасидан бошлаб, боғдорчилик, чорвачилик, паррандачилик ва иссиқхоначилик каби йўналишларда фаолият юритиб, юқори натижаларга эришиб келмоқда. Аслида, бу ишларнинг асосчиси — отаси. Умаржон отасининг ёнига кириб, қўл-қанот бўлиб турибди. Меҳнати ва азму шижоати уни қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишбилармонлардан бирига айлантирди. Ҳозир у иссиқхонада серҳосил қулупнай ва булғор қалампири етиштирмоқда. Иссиқхона технологияларини илғор усулларда қўллаган ҳолда барака топмоқда.

— Кўчатларимиз ерга экилган ниҳолга нисбатан оз касалланиши ва самарадорлиги юқорилиги билан аҳамиятли, — дейди тадбиркор Умаржон Нурмаматов. — Улар етилиши учун фасл танламайди, ҳосили йирик-йирик ва узлуксиз пишаверади. Кўчатлар Жанубий Корея технологиялари асосида парваришланади. Томчилатиб суғориш натижасида зарурий озуқа ва минераллар сув орқали етказиб берилади. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам сувнинг, ҳам суспензиянинг тенг тақсимланишига ёрдам беради. Озуқани сувдан, меҳрни биздан олади.

Қайд этилишича, қулупнайчи деҳқонларнинг маҳсулоти маҳаллий бозорлардан ташқари хорижий бозорларни ҳам эгаллаб бормоқда. Ҳозир қулупнайнинг килоси 100-150 минг сўмдан сотиляпти. Вилоятда бир йилда 1200 тоннадан ортиқ қулупнай етиштирилади. Унинг асосий қисми, яъни 800 тоннадан ортиғи Учқўрғон тумани ҳиссасига тўғри келади.

* * *

Истиқлол ислоҳотлари туфайли яшнаётган, обод бўлиб бораётган туман тараққиётининг асосий сабаби одамлар меҳнаткашлиги, ҳамжиҳатлиги, ташаббусларга "лаббай" дея жавоб бериши, саховатпешаю оқибатлилигида, деб баралла айтиш мумкин. Ислоҳотлар жараёнида азму шижоатда, ташаббускорликда олдинги сафда бораётган учқўрғонликлар келгусида ҳам янги-янги марраларни забт этишига ишонамиз.

**Жаҳонгир ТЎХТАСИНОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси**

---

Қишлоқда бир кун






**Қишлоқда интернет, алоқа, сув, электр энергияси, суюлтирилган газ таъминоти етарли. Аҳоли чўл ўсимликлари, кўмир ғамлаб, қишга тайёргарлик кўради. Масалан, оққурай ўсимлиги қанча кўп ўрилса, шунча қалин бўлиб шохлайди. Шу сабаб атрофдаги бепоён даштда яшил ўсимликлар доим яшнаб туради. Бизни лол қолдирган яна бир жиҳат қишлоққа кўчиб келувчилар сонининг ошиб бораётгани бўлди.**

# ДАШТ ВА КЎЛ ЎРТАСИДАГИ ДАРБОЗА

**Жиззах вилоятининг энг олис ҳудуди — Фориш туманидаги Дарбоза қишлоғи ҳақида эшитганмисиз? Майдони 176 минг гектар бўлгани ҳолда аҳолиси атиги 300 кишидан зиёдроқ, алоҳида маҳалла фуқаролар йиғинига эга бу манзилга, албатта, боринг. Гарчи Фориш туманига қарашли бўлса-да, қишлоққа бориш учун Арнасой, Дўстлик ёки Мирзачўл туманларидан йўлга чиқиш керак. Бежиз у ер "кўл орти" дейилмайди. Чунки Фориш тумани маркази ва бу қишлоқни улкан Айдаркўл ажратиб туради.**

Кўлга борган юртдошларимиз билади: дашт бўйлаб жуда кўп йўллар ўтган. Уларнинг ҳаммаси бир манзилга элтади. Шунчаки, йўлни қум босиб қолгани учун ҳайдовчилар янги йўл очади. Натижада турли-туман йўллар пайдо бўлиб, биринчи марта юрган кишининг дилига ҳадик оралаши табиий. Қайси тумандан йўлга чиқманг, Дарбозага бориш учун улкан дашт бағрини кесиб ўтиш шарт. Шу сабаб сув ва ёнилғи захираси тахт бўлиши лозим.

Жиззах шаҳридан бу қишлоққача 180 километр йўл босдик. Йўлдаги муҳим объектлардан бири Арнасой сув омбори иккинчи тўғони бўлиб, у бир вақтнинг ўзида кўприк вазифасини ҳам ўтайди. Ўтмишда бу жой халқ тилида "Олтин кўприк" деб аталган. Унинг бир томони воҳанинг чўл туманларини сув билан таъминловчи Чордара сув омбори ўзани бўлса, иккинчи тарафи Айдаркўл қирғоғи. Ўз номи билан икки олис манзилни бир-бирига туташтирувчи кўприкка халқ билиб ном қўйган.

Одамлар туман марказига бориши учун аввал Гагарин шаҳри, сўнг Жиззах шаҳри, ундан сўнг Форишга бориши керак. Шу боис, кўлнинг нариги томонида яшашга ҳамманинг ҳам юраги дов бермайди. Аммо олис ҳудуд бўлса-да, ҳар қадамда давлат кўмагини ҳис қилиш мумкин.

Масалан, мактаб. Кам сонли аҳоли яшайдиган маҳалладаги 50-мактабда 80 ўқувчи ўрни бўлиб, 65 ўғил-қиз таълим олади. Ўтган ўқув йилида 6 ўқувчи мактабни тамомлаган бўлса, янги ўқув йилида 10 нафар бола 1-синфга қабул қилинди. 2017 йилда олис ҳудуддаги мактаб тоифасига киритилган. Шу сабаб Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан олий тоифали ўқитувчилар жалб қилинган. Ўқитувчилар билан суҳбатда уларнинг иш шароитидан мамнун эканига гувоҳ бўлдик. Жумладан, самарқандлик Зарифа Тўлқинова бу ердаги фаолиятини энг яхши деб баҳолади. Мактабда таълим ўзбек ва қозоқ тилларида олиб борилади. Кўп йиллар олдин Қозоғистон билан чегарадош бу манзилда қозоқ миллатига мансуб кўп одамлар яшаган. Шунинг учун ўзбек, тожик ва туркман миллатига мансуб аҳоли ҳам қозоқчани сув қилиб ичиб юборган. Ҳозир 8-синфгача ўзбек синфлари мавжуд бўлиб, таълим тилини ўзбекчалаштириш босқичма-босқич амалга оширилияпти.

Маҳаллада мактабгача ёшдаги болалар 43 нафар. Тадбиркор Зокир Суюнов оиласи билан ташландиқ бинони капитал таъмирлаб, ўз маблағи ҳисобидан болалар учун мактабгача таълим ташкилоти очди. Атрофига дарахт экиб, боғ барпо этди. Ошпаз, энага каби



мутахассислар тайёрлади. Турмуш ўртоғи Наргиза опа шу ҳақда бундай дейди:

— Маҳалла ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмда қисқа муддатли боғча фаолият юритади. Аммо у оналарнинг талаб ва эҳтиёжига мос эмас. Ёш оналар ишлаши учун бола ишончли қўлларда, уч маҳал овқат билан таъминланган бўлиши лозим. Биз аҳолининг ана шу эҳтиёжидан келиб чиқиб, МТТ очдик.

Албатта, бундай олис манзилда давлат стандартлари асосида мактабгача таълим ташкилоти барпо этиш осон эмас. Шу сабаб аҳоли ҳам тадбиркорнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаяпти.

Маҳалладаги ягона тиббиёт маскани — оилавий шифокорлик пунктида 2 шифокор, 4 ҳамшира ишлайди. Жумладан, умумий амалиёт шифокори қорақалпоғистонлик, икки йилдан буён шу ерда фаолият юритяпти. У меҳнат таътилида экани боис, суҳбатлаша олмадик. Аҳолининг катта қисми тиббий хизматдан мамнунлигини билдирди. Бу ерда ижтимоий дорихона ташкил этилган, 90 турдаги дори-дармон мавжуд. Шошилинч ҳолларда туман маркази ёки қўшни туманларга беморларни элтиш учун "Нива" русумли автомобиль билан таъминланган. Манзилгоҳ бунёд бўлибдики, бу ерда биронта ҳам аёлнинг кўзи ёримаган. Қўшни туман туғуруқхоналари уларни қабул қилади. Аёллар бундай ҳолатга ҳам кўникиб кетган.

— Оилавий шифокорлик пунктимиз 2018 йилда таъмирланиб, замонавий тиббиёт масканига айлантирилган, — дейди ҳамшира Дилафрўз Бекиева. — 2 та стационар ўрни бор. Биргина камчилик лаборант штати ва барча ускуналар бўлгани ҳолда мутахассис йўқлигидир. Шу сабаб одамлар оддий қон таҳлилини ҳам қўшни туманларга бориб топшириб келиши керак.

Қишлоқ аҳли чорвачилик билан машғул. Шуни ҳисобга олиб, чорвачиликда суяги қотган Асқар Қаршиевнинг отарига йўл олдик. Мақсадимиз бугунги чўпонларнинг яшаш шароитини кўриш эди. Отар Оқмурт қудуғи деган жойда жойлашган экан. Дарвоқе, 176 минг гектарли маҳаллада 40 дан ортиқ шундай қудуқ мавжуд. Улар атрофида одатда чўпон қўралари, отарлар жойлашади.

Аммо Асқар ака бу қудуққа боғланиб қолмаган. 30 метр ер остидан сув чиқартирган. Қўрада қўй кўринмайди. Фақат йилқи пишқириб, арпа кавшаяпти. Нарироқда чўпоннинг уйи, унда оиласи билан яшайди. Чўпоннинг аёли бизни очиқ юз билан кутиб олди. Уйлар замонавий услубда таъмирланган. Тандирхона ва ҳаммом, ошхона каби қўшимча хоналар тартиб билан солинган. Уйнинг, айниқса, қуёш энергияси билан ёритилиши бизни ҳайрон қолдирди.

— Қўйлар юриб семиради, — дейди чўпон. — Шунинг учун ёзи билан деярли қўрага келмай, яйловма-яйлов юради. Ҳозир чўпонлар қўй ортидан юриши шартмас. Қўшни Қозоғистонда дронлар ёрдамида қўй боқиляпти. Биз эса эшакка эмас, автомобилга ўтириб, поданинг бошини буриб турамиз.

Юлдузли осмон остида, гулхан атрофида суҳбатимиз қўр олади. Айниқса, маҳалла раиси Баҳодир Суюновнинг маълумоти жуда қизиқ.

— Сиз ҳозир Дарбоза маҳалласининг бир қисмини кўриб турибсиз, — дейди у. — Бу ерга етгунча 14 километр масофада Темирхан қишлоғи, 30 километр нарида Дукей қишлоғи бор. Шу уч қишлоқ аҳли 300 кишидан сал зиёдмиз. 2010-йилларгача қозоқлар кўп эди. Кўчиб кетишди. Аммо ҳалигача улар билан борди-келдимиз, салом-алигимиз жойида. Ҳозир қозоқ, ўзбек, тожик, туркман миллати вакиллари аҳил яшайди. Жиноятчилик деярли йўқ.

Қишлоғимиз азалдан жун, тери, гўшт етиштириб келган. Айдаркўл ҳосил бўлиши билан ўз-ўзидан ҳаёт ҳам ривожланган. Хусусан, чорвачилик билан бирга балиқчилик ҳам асосий даромад манбаи эди. Аммо кейинги йилларда балиқчилик сектори хусусийлашди. Кўл сатҳи 2 метр пасайди. Ҳозирча 2 та балиқчилик бригадаси ишлаб турибди. Шу сабаб қишлоғимиз драйвери чорвачилик. Аммо қўй жуни ва терисини қайта ишлаш йўлга қўйилмагани учун бу хомашё увол бўляпти. Шу йўналишда тадбиркорликка муҳтожмиз, рости. Аммо бу ерда етиштирган гўшт ва сут маҳсулотлари жуда мазали, ўзгача таъмга эга. Қўрадан исталган қўй тутиб келинса ҳам семиз чиқади.

Қишлоқда ёшларнинг ўқишга, касб-ҳунар ўрганишга қизиқиши кучли. IELTSдан даража, IT сертификати олган ёшлар талай. Бу йил битирувчиларнинг 7 нафари олий таълим муассасасига ўқишга кирибди.

Қишлоқда интернет, алоқа, сув, электр энергияси, суюлтирилган газ таъминоти етарли. Аҳоли чўл ўсимликлари, кўмир ғамлаб, қишга тайёргарлик кўради. Масалан, оққурай ўсимлиги қанча кўп ўрилса, шунча қалин бўлиб шохлайди. Шу сабаб атрофдаги бепоён даштда яшил ўсимликлар доим яшнаб туради. Бизни лол қолдирган яна бир жиҳат қишлоққа кўчиб келувчилар сонининг ошиб бораётгани бўлди.

Маҳалла одамлари билан суҳбатимизда шукрона ҳисси юз-кўзидан билиниб турганига гувоҳ бўлдик. Суюлтирилган газ ойда бир етказиб берилса ҳам, қишдан печга ўтин ёқиб чиқишса ҳам, топган пули йўлга кетса ҳам бу одамларнинг яшаб турган жойидан норозилиги йўқ.

Сафаримиз якунланар экан, шаҳарларда яшаб, бир марта бўлсин дашт бағридаги бу тириклик гўшасига келмаган, Айдаркўл шабадаси ва Ўзбекистон саваннаси гўзаллигидан баҳраманд бўлмаганлар ҳақида ўйладим. Бу ерларда ҳаловат, қалб ва руҳият поклиги бор. Буни англаш инсон даҳосининг қудрати, табиатнинг оналик ва ижодкорлиги ҳақидаги тасаввуримизни бойитади, интернетга боғланиб, заифлашиб бораётган руҳиятимизга қувват беради. Сафарнинг афзалликлари она юртимизнинг гўзалликларини кашф этади.

**Муқаддас САПАРОВА,**
**журналист**

Юксалиш палласи

# МУВАФФАҚИЯТНИНГ ЯГОНА ФОРМУЛАСИ СИФАТЛИ ТАЪЛИМДИР



**Ижтимоий тараққиётнинг асосий мақсади ҳар бир шахс ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, соғлом, ижодий, сифатли таълим ва фаол ҳаёт кечиришдан иборат. Инсон капиталини ривожлантириш янги Ўзбекистон ислоҳотларининг устувор мақсадларидан бири бўлиб, 2030 йилгача камбағалликка барҳам бериш ва умумий фаровонликни тезлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишга кўмаклашиш, ривожланаётган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиш борасидаги саъй-ҳаракатларимизнинг ажралмас қисмидир.**



**Муҳриддин СОДИРЖОНОВ, социология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент**

## Замонавий кадрларга талаб юқори

Президентимиз раислигида 2024 йил 11 сентябрь куни камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаси бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Бу йўналиш мамлакатимизда 2020 йилда бошланган эди. Ўшанда 7,5 миллион ёки 23 фоиз аҳолининг даромади камбағаллик чегарасига етмасди. Ўтган йилларда 3,5 миллион одамни даромадли қилиш орқали 2023 йил якуни билан камбағаллик даражаси 11 фоизга тушди.

Йиғилишда айтиб ўтилдики, корхоналарда 250 мингта вакант бор. Лекин камбағал оилаларнинг 35 фоиз ишга лаёқатли аъзоларида билим ва кўникма кам. Яна айримлари сурункали касалликлар туфайли тайинли ишлай олмаяпти. Камбағал оилаларнинг 83 фоизида томорқа бор, лекин сув, электр ва йўл билан боғлиқ муаммолар қийинчилик туғдиряпти.

Таълимга йўналтирилган инвестициялар нафақат мамлакатни ривожлантиришнинг махсус стратегияси, балки инсон капитали ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини яхшилашга қаратилган ижтимоий сиёсатдир. Бунинг натижасида инсон капиталини такомиллаштириб, моддий фаровонлик ва соғлом турмуш тарзига эришилади. Инсон капитали ҳар бир инсоннинг индивидуал капитал шаклидир. Унинг қобилиятлари, билим, кўникма ва тажрибаси ҳар бир ёшнинг шахсий мулки саналади.

Тадқиқотлардан шуни хулоса қилиш мумкинки, имкониятлар тенглигининг камайиши билан ёшлар ўртасида таълим олиш, мутахассислик бўйича ишга жойлашиш, мавжуд иш жойини йўқотишдан қўрқиш муаммолари келиб чиқмоқда. Меҳнат бозоридаги талаб ва бугунги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртлари томонидан тайёрланаётган мутахассисликлар ўртасида мутаносиблик мавжуд эмаслиги сабабли ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари яна бир муаммодир.

Ёш авлоднинг ҳаётий позициялари ва интилишлари сезиларли даражада ўзгарди. Замонавий ўзбек ёшлари “қизиқарли иш қилиш истаги”ни ўзининг асосий қадрияти деб билади. “Пулга ва кенг билимга эга бўлиш” каби позициялар ёшлар учун мақсад эмас, балки уларнинг асосий ҳаёт режаси — “иш топиш” ва “яхши оила яратиш” воситаси сифатида ишлайди.

Таълим танқидий фикрлашни шакллантирадиган ва инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган бўлиши шарт. Афсуски, жамиятда ижтимоий мавқени ошириш учунгина олий маълумотли бўлиш, қайси соҳа бўлишидан қатъи назар, олий таълимни танлаш ёки ёшларда мактаб таълимидан сўнг ҳаётий позицияларини талаба бўлиш ёки талабаликка қараб белгилаш ҳолати кузатилди. Ўтган давр мобайнидаги таълим жараёнларида эса уларга ушбу маҳоратлар механик тарзда ўргатилди. Масалан, сиз шунчаки маърузаларни тинглайсиз, маълум бир деталларни ёдлайсиз, формулаларни қўллайсиз ва таълим, асосан, шундан иборат бўлган. Тақдим этилган фикрни шубҳа остига олиш, очиқ баён этиш ва асосийси, мустақил фикрлашга жуда кам ҳолатларда эътибор қаратилди.



Сўнгги йилларда олий таълим соҳасида катта ислоҳотлар амалга оширилди. Қисқа муддатда юртимизда қамров даражаси 39 фоиздан ошгани мисолида буни яққол кўриш мумкин. Сиртқи ва масофавий таълим шакллари, илмий даражаларга эга профессор-ўқитувчилар маошига 60 фоизгача устама тўлаш тизими жорий этилди.

Замонавий олий таълимга алоҳида урғу берилар экан, энди дипломли мутахассис эмас, балки рақобатбардош, малакали ва иродаси мустаҳкам, янги давр руҳига мос фазилатлар (босиқлик, вазминлик, дипломатия, мулоқот маданияти, ижобий характер, ташкилотчилик, ташаббускорлик) га эга кадрларга ҳар жойда талаб юқори. Ривожланган давлатлар ва корпорацияларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, университетда олинган таълим прагматик белгиларни ифодаловчи тоифаси бандлик даражасининг нафақат миқдори, балки сифатини ҳам оширади.

## Инсон + таълим = моддий-маънавий фаровонлик

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг илк бўлими “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратиш” деб номланган бўлиб, ўз ичига таълим тизими, аҳоли саломатлигини таъминлаш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва камбағалликни қисқартириш, ёшларга оид давлат сиёсати ва спорт, шунингдек, маънавий тараққиётни таъминлаш ва маданият соҳасини янги босқичга олиб чиқиш бўйича ислоҳотларни қамраган.

Бизнинг нуқтаи назаримизда инсон капитали бу — шахслар ва жамоалар томонидан ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятларни, ижтимоий алоқалар ва функцияларни амалга ошириш учун инсон салоҳияти асосида яратилган эҳтиёжлар, қобилиятлар ва истаклар тизими.

Эътиборимизни янада кўпроқ жалб этган жиҳат шуки, камбағалликни фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмайди. Бунинг учун камбағал оила аъзоларини ўқитиш, касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш муҳим. Инсон капитали эса, ўз навбатида, инсон ва таълим — шу икки асосий компонентни ташкил этувчи феномендир.

Инсон капиталининг алоҳида компонентлари, шахс ёки шахслар тўплами эҳтиёжлар, қобилиятлар ва тайёргарликлар тизимидан фойдаланиш орқали специфик билимлар олиш, кўникмаларни ривожлантириш ва ўрганиш жараёнида шаклланади. Бу уларга ижтимоий-иқтисодий мақомини жамиятда шакллантириш, ривожлантириш имконини беради.

Сингапур мўъжизасининг асосий сири ҳақида Ли Куан Ю таъкидлайдики, “Агар муваффақиятнинг ягона формуласи бўлса, у тинимсиз ўқиш, ўрганишдир. Бу нарсаларни ишлашга мажбур қилиш ва улар нима учун ишламаётганини тушунишдир”. Бу эса таълим олиш, ўқиш ва изланиш инсон капиталининг самарадорлигини намойиш этувчи омил эканини билдиради. Инсон капитали учун махсус элемент сифатида таълим белгиланади ва унинг асосий қисми маданий ва этник хусусиятлар, умумий таълим, касб-ҳунар таълими, асосий малака фазилатлари каби компонентлар бирлашмасидан ташкил топади.

Ҳар қандай инсон капиталининг сифат даражаси мамлакат миқёсида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига бевосита таъсир кўрсатади. Бунда биз доимий таъкидлаб келадиган таълим фақатгина шахснинг келажакдаги муваффақияти эмас, балки жамият, қолаверса, миллатнинг жамоавийликка йўналтирилган келажагига сармоя сифатида таъсир кўрсатиши янгича ёндашув бўлади. Инсон капитали маълум бир чегара қийматидан ошиб кетганда жамоавийликка инновацион таъсир ортади. Олий маълумотли одамларнинг юқори фоизга эришиши, бизнинг назаримизда “қадрият ва удумларга асосланган жамоавийлик”ни “инновацион жамоавийлик”ка ёки яратувчи халққа айлантириш кафолатини беради. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг тахминан 17-20 фоизи олий маълумотли бўлиб, бу сезиларли тарзда инсон капитали сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ ушбу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси учун ИҲТТга (Иқтисодий ҳамкорлик тараққиёт ташкилоти) аъзо мамлакатларнинг ўртача даражасига мос келиши учун ҳали етарли эмас.

## Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар қўллаб-қувватланмоқда

Тараққиёт йўлини тутган ҳар бир давлат ўз сиёсатида ёшлар учун зарур шарт-шароитлар ва ижтимоий-иқтисодий имкониятларни яратиб боради. Янги Ўзбекистон дунёнинг тараққий топган, ижтимоий-иқтисодий барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлари қаторига киришини таъминлаш — барқарор ривожланиш стратегиямизнинг мазмун ва моҳиятини ташкил этади. Бугунги кунда дунёда 30 ёшгача бўлган 3,5 миллиард одам яшайди ва бу катта қатлам.

“Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили асосидаги давлат барпо этиш, демократик давлат ва адолатли жамият қуриш, бунда “Ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари” деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати самарали амалга оширилмоқда, инсон капиталини шакллантириш ва ривожлантиришга алоҳида ёндашилмоқда. Биринчи навбатда, оила ва таълим муассасаларида замонавий илм-фан муҳитини таъминлашга эътибор қаратиш, таълимнинг барча босқичларида сифат кўрсаткичларига эришиш, қобилиятли ва иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мазкур йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш учун тизимли ишларни ташкил этиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Давлат ёшларнинг инсон капиталини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Сифатли таълим, ижтимоий дастурлар, соғлиқни сақлаш ва инновацияларни рағбатлантириш орқали уларнинг билим ва кўникмаларини оширишга ёрдам беради. Бу, ўз навбатида, жамиятнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишини таъминлайди.

Инсон капиталини ривожлантириш камбағал оилаларнинг болаларига таълим олиш ва ишга жойлашиш имкониятларини оширади, бу эса уларнинг камбағалликдан чиқишига ёрдам беради. Бу борада мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар бошланган ва қисқа вақтда илк самарасини кўрсатиши шубҳасиз.

---

Мулоҳаза



# МЕҲНАТ БОЗОРИ

## Нега айрим ёшлар унда ўз ўрнини топа олмаяпти?



**Жонибек АЛИЖОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Абу Райҳон Беруний бундай ёзади: “Ҳар бир инсоннинг қадр-қиммати ўз ишини қандай бажараётгани билан ўлчанади”. Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарида меҳнатга тўғри ҳақ тўлаш, бошқалар меҳнатини холис тақдирлаш, қадрига етиш, моддий манфаатдорлик, касб-ҳунар эгаллаш, кучли ижтимоий ҳимоя масалаларига катта урғу берилган. Муаллиф тақсимот муносабатларига, уларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятига эътибор қаратади. Зеро, рағбатлантириш кучига эга тақсимот муносабати ишлаб чиқариш жараёнини кучайтиради, жамият ва халққа фойдали бўлади.**

Юсуф Хос Ҳожиб таъкидича, “Хизмат аҳли ўз меҳнати натижасидан умидвор туради. Умидини топмаган ходим кўнгли синади. Аммо хизмат қилувчиларнинг ҳаммаси ҳам бир хил эмас. Улар турли-туман тоифаларга бўлинади. Ходимларнинг наф келтирувчилари бор, шунингдек, нафи йўғи ҳам анча. Наф келтирувчи кишига хизматига лойиқ равишда тортиқлар бериш керак. Хизматига лойиқ тадбир кўрган ходимнинг боши кўкка етади. Инсон дегани ахир ҳайвон тенги эмас. Ана шуни билиб, унга амал қилинса, барча иш кўнгилдагидек бўлади”.

Минтақамизда меҳнат муносабати тушунчаси асрлар давомида шаклланган, халқимиз меҳнат ҳуқуқига азалдан одамнинг соф инсоний ҳуқуқи сифатида қараб келган. Бунда ходимнинг ҳақига хиёнат қилмаслик, бажарган ишига муносиб ҳақ тўлаш каби тамойиллар устун бўлган. Ҳатто меҳнат ҳуқуқи масаласида KPI, яъни бажарган ишига қараб устама тўлаш тизими бизда қадимдан мавжуд.

1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси қабул қилинди. Бундай ҳужжат Буюк Британияда XIX асрда, Японияда 1911 йилда, Канадада 1900 йилда, Францияда 1910 йилдаёқ қабул қилинганини инобатга олсак, мамлакатимиз меҳнат қонунчилиги анча ёш экани ойдинлашади. Меҳнат кодексимиз 2022 йилда қайта таҳрирда қабул қилинди. Унгача ҳам кўп маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган.

Меҳнат кодексини варақлар эканмиз, ундаги кўп тартиб-қоидаларга амал қилинмаётганига амин бўламиз. Улар орасида меҳнат шартномалари тузилиши, назорати етарлича таъминланмаётгани анча долзарб. Айниқса, бу масала бўйича хусусий меҳнат бозори чуқур ислоҳотга муҳтож.

Мақолани ёзиш асносида хусусий меҳнат бозорида ишлаётган банд ёшлар билан мулоқот қилдик. Хулосамизга кўра, хусусий меҳнат бозоридаги келишувларда қонунчилик аралашуви ниҳоятда кам, ҳатто йўқ дейиш даражасида.

Масалан, кўпчилик хусусий тадбиркорларнинг ходимларни ишга олиш тартибтаомили ниҳоятда содда. Бирор номзод иш сўраб келса, ҳеч қандай хат-ҳужжатсиз, маълумотсиз ишга қабул қилинади. Корхона раҳбари исталган вақтгача синов муддати тайинлайди. Аслида, бу синов муддати ҳам ҳеч қандай ҳуқуқий асосга эга эмас. Ходим айтилган муддат давомида текин ишлаб бериши керак. Белгиланган муддатда номзод ўрганилиб, масъулият борйўқлигига қараб ишга олиниши ёки олинмаслиги мумкин.

— Эълонлардан топиб, логистика билан шуғулланувчи корхонага иш сўраб бордим, — дейди Анвар исмли талаба. — Компания раҳбари мен билан суҳбатлашиб, иш бўйича билимимни синаб кўргач, ҳақиқатан иш ўрни борлигини, лекин синов муддатисиз ишга олинмаслигимни айтди. Менга 1-2 ой синов муддати ўташим айтилди. Иложсизлигим туфайли таклифни қабул қилдим. Тажрибам бўлгани учун ишга тез киришиб кетдим, 2-3 кундан кейин мустақил ишлай бошладим. Инсон барибир ўзи қандай ишлаётганини яхши англайди. Бир ой деярли камчиликка йўл қўймасликка, тартиб-интизомга бўйсунишга ҳаракат қилдим. Вақтида ишга келиб, ишдан кейин ҳам ўзимни ривожлантириш учун қолиб ишладим. Бир ойдан сўнг раҳбарга ишга олиш масаласи ҳақида гап очдим. Шунда у мен ҳали талабига жавоб бера оладиган ходим бўлиб шаклланмаганимни, истасам, бошқа компаниялардан иш излаб кўришим мумкинлигини айтди. Энди ҳолатимни тасаввур қилаверинг. У ердан кетишимга тўғри келди. Кейин эшитсам, корхона раҳбари учун бу одатга айланган экан. Яъни унинг доимий ишлайдиган 2-3 ходими бўлиб, менга ўхшаш иш сўраб келганларни гўё синов муддати баҳонасида ишга олар, ишлатиб-ишлатиб, турли баҳоналар билан компаниядан узоқлаштириб юборарди.

Воқеани айтиб бўлгач, “Шуларни ҳам назорат қиладиган ташкилот борми?” дейди куйиниб Анвар.

Хусусий сектордаги иш берувчиларнинг одатини эшитиб, рости, ҳайратланасиз киши. Уларнинг аксарияти ёшларнинг меҳнатидан текин фойдаланиш учун қизиқ баҳоналар ўйлаб топган. Бир йигит ҳикоя қилади:

— Пойтахтда кўзга кўринган ишлаб чиқариш корхоналаридан бирига ишга жойлашдим. Менга ҳамманики қатори маош тайинланди. Ишим қийин эмас, шунинг учун уни мукаммал бажаришга ҳаракат қилардим. Буни кўрган корхона раҳбарлари қўшимча топшириқлар бера бошлади. Табиийки, бу вазифаларни бажариш учун ишдан кейин ҳам қолишимга тўғри келарди. Корхонани ака-укалар очган. Укаси иш бошқарувчи эди. Орадан вақт ўтиб, у менга ўзи бажариши керак бўлган вазифаларни ҳам юклай бошлади. Кайфиятимда сал норозилик сезса, “Маошингни оширамиз, разрядингни кўтарамиз, бу ҳақда маслаҳат қиляпмиз”, деб гап бошларди. Шу зайлда орадан 2 йил ўтди, бироқ ҳалиям бир кишининг маошини олиб, уч кишининг ишини қилардим. Энди сабр косам тўлиб бўлганди. Бир куни раҳбарларга ишдан бўшамоқчи эканимни айтдим. Зора, шундан кейин бу масала ҳақида ўйлаб кўрса, деган фикрда эдим. Йўқ, айтилмади. Бир марта ҳам “Ишда қол, айтилган ваъдаларни бажарамиз”, дейилмади. Маош ва лавозимни ошириш ҳақида бир оғиз ҳам гап бўлмади. Эсиз, шунча меҳнатим, совурилган вақтим деб ишдан бўшаб кетдим. Шундан кейин менда хусусий корхоналарда адолат йўқ, деган тушунча пайдо бўлиб қолди.

Бугун хусусий меҳнат бозоридаги ходимлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қиладиган тузилма фаолияти мутлақо сезилмайди. Ваҳоланки, меҳнат шартномаси тузилган пайтда тарафларнинг ҳуқуқлари ҳимояланиши лозим.

Тажрибамиздан келиб чиқиб, бир воқеани айтиб ўтсам. Бундан ярим йил илгари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи масъулияти чекланган жамият очгандик. Ундаги молиявий масалаларни ҳал қилиш учун ҳисобчи ёллаганмиз. Ҳисобчи 4 ходимнинг маълумотларини электрон дастурга киритиб, расман ишга қабул қилган. Яъни тўрт нафар ишсиз расмий иш ўрнига эга бўлган, уларга доимий маош тайинланган. Лекин орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, на касаба уюшмалари, на бошқа ташкилотлар бу ходимлар билан боғланган, МЧЖнинг кадрларга қандай муносабатда бўлаётганига қизиқиб кўрган. Корхона раҳбарига кадрлар масаласида қандай муносабатда бўлиш ҳақида тушунтириш берилмаган. Ваҳоланки, масъулияти чекланган жамият ташкил қилиш ҳам, унга ходимларни ишга олиш ҳам тўлиқ электрон амалга оширилади, яъни бундан бехабар қолиш имконияти жуда кам. Айнан шу масала юзасидан ҳуқуқшунос билан суҳбатлашганимизда, ҳар бир корхона касаба уюшмаларига аъзо бўлиши учун ўзи мурожаат қилиши керак, деб жавоб берганди. Фаолияти кўзга ташланмаганидан борган сари ёш авлоднинг қулоғига бегоналашиб бораётган касаба уюшмалари нахотки ўзи ташаббус билан чиқмаса, деб ажаблангандим. Ҳолбуки, ҳар бир инсон — хоҳ давлат ташкилоти, хоҳ хусусий муассасада ишлаётган бўлсин — хавфсиз меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.



Олимларнинг таъкидича, яқин келажакда давлат ташкилотларида ишловчи ходимлар улуши камайиб боради. Чунки давлат хизматларини рақамлаштириш борган сари оммалашаётир. Бу ўз-ўзидан одамларнинг хусусий меҳнат бозоридаги улуши ортиб боради, дегани.

Маълумотларга кўра, ҳозирнинг ўзида ривожланган мамлакатларда аҳолининг 80 фоиздан ортиғи хусусий секторда фаолият юритяпти. Бу жараён минтақамизда ҳам борган сари жадаллашиб бораётир. Масалан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш белгиланган. Унга асосан, нодавлат сектор улушини 85 фоизга етказиш, давлат улуши мавжуд 2,3 мингта корхона сонини 6 баробар камайтириш кўзда тутилган. Бу дегани, келгусида бошқа соҳаларда ҳам давлат улуши борган сари камайиб боради.

Келажакда меҳнат бозорида давлат иштироки камайиб, хусусий сектор улуши ортиб борар экан, демак, унинг асосий драйвери бўлган ходимлар ҳуқуқларига муносабатни ҳам бу зайл давом эттириш ўзини оқламайди.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Мушоҳада

# ШАФФОФ МАНЗИЛЛАРНИНГ БЕШИГИ – ИШОНЧ



**Дунё яралибдики, инсоният тараққиётнинг турли босқичига турфа йўллар орқали эришиб келмоқда. Буни барчамиз мозийдан садо берувчи қайдномалар орқали озми-кўпми биламиз. Кечаги тараққиёт йўли бугунги даврга мутлақо тўғри келмаслиги ҳам айни ҳақиқат. Зеро, ҳар бир даврнинг ўзига хос ривожланиш йўли, тошу тарозиси бўлади.**

Давлатимиз раҳбари 2023 йил 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисида **“Бугун жаҳон миқёсида тараққиёт суръатлари мисли кўрилмаган даражада шиддатли тус олмоқда. Айни вақтда азалий қадриятлар, ижтимоий-сиёсий қарашлар тизимида чуқур трансформация жараёнлари юз бермоқда. Илгари ўз мақсад ва манфаатларини асосан дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очиқчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Афсуски, бундай кенг кўламли ва ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири Марказий Осиё минтақаси ва унинг таркибий қисми бўлган мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Ана шундай ғоят мураккаб ва таҳликали вазиятда Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жавоб берадиган тўғри йўлни топиш албатта осон бўлмаяпти”,** деганди.

Мазкур фикр ҳар биримизни ҳушёр торттириш билан бирга ЙЎЛ ҳақида ўйлаб кўришга ундайди. Хўш, бугунги Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли қандай? Бу саволга қисқа қилиб жавоб бериш анча мушкул масала. Сабаби алғов-далғов замонда ривожланишни муайян формулага солишнинг имкони йўқ. Шуниси аёнки, ҳеч бир давлат ташқи омиллар таъсиридан айро ҳолда юксалиб кетмайди. Тараққиёт йўлида бу омилларни четлаб ҳам ўтолмайди.

Дунё саҳни қалқиб турибди. Ҳар бир давлат қадриятларини сақлаб қолиши, тинчликни таъминлаш борасида бош қотириши, миллий манфаатига тўғри келадиган тараққиёт йўлини белгилаб олиши зарурлиги ойдинлашиб бормоқда. Бу омиллар давлатимиз раҳбарининг юқоридаги фикрлари нақадар долзарблигини кўрсатади.

Ўзбек ўғлони Абдуқодир Ҳусановнинг жаҳоннинг энг етакчи клубларидан бирига ўтгани муҳокама қилинмоқда. Ҳатто баъзи қардош халқлар вакиллари бунга атаб қўшиқ ҳам айтганига кўзимиз тушди. Ич-ичимиздан ғурурландик. Юртимиздаги барча ёшу қари бирдек фахрланди. Хўш, бу воқеанинг тараққиёт йўлига нима дахли бор дейишга шошилманг.

Бугун миллионлаб мухлисга эга футболга нафақат спорт тури, балки катта даромад манбаига айланган соҳа сифатида ҳам қаралмоқда. Бунинг ҳадисини олган давлатлар академиялар очиб, ёш иқтидор эгаларини тайёрлаб, энг машҳур клубларга катта фойда эвазига трансфер қилмоқда. Албатта, ўзбек футболи эришган ютуқларни эътироф этган ҳолда, айрим камчиликларимиз ҳам йўқ эмаслигини айтиш жоиз. Шу боис, яқин йилларгача юртимизда бу соҳа ҳақидаги ҳазиллар қизиқчию аскиячиларнинг асосий мавзуси бўлди. Ҳамманинг наздида футболимиз бутун умр мана шу савияда қолиб кетадигандек эди. Ривожланмасликнинг сабаби сифатида соҳа коррупцияга ботгани, одамлар пул эвазига фарзандини қайсидир клубга ўтказиб қўйгани ҳақида узунқулоқ гаплар юрарди. Ваҳоланки, бугун Абдуқодир Ҳусанов ёки хорижий клубларда тўп сураётган бошқа ўйинчиларимиз, Равшан Ҳайдаров мураббийлигида ёш футболчиларимизнинг икки бора Осиё чемпиони бўлиши, Олимпиада йўлланмаси қўлга киритилиши каби қатор ютуқлар барчамизни суюнтиряпти.

Охири кўриниб бораётган табиий бойликлар, манфаатлар тўқнашувига сабаб бўлаётган ҳудудлар ёхуд замонавий технологиялар билан муросага киришиб, ечими йўқ муаммоларни ҳал қилаётган инсонлар мисолида замоннинг тараққиёт калити коррупциядан холи, замонавий талабларга жавоб берадиган таълим ва унинг меваси бўлмиш кадрларга боғлиқлиги ойдинлашиб бормоқда.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг ўша йиғилишдаги нутқидан яна бир иқтибос келтирсак: **“Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фани ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур. Лекин уларни ким тарбиялайди? Албатта, ўзимиз тарих сабоқлари, замон талаблари асосида тарбиялашимиз зарур”.**

Мамлакатимизда таълимга турли соҳалар ривожланиши, янги тамаддун даврига қадам қўйишининг асосий мезонларидан бири сифатида катта эътибор қаратилмоқда. Ўқитиш тизимини ривожлантириш Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдаги дастлабки одим деб эълон қилингани ҳам айни ҳақиқат.

Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилингани ҳам муҳим ҳодисалар сирасига киради. Бу ҳужжатда олий таълим қамровини кенгайтириш, ўқитиш сифатини ошириш, соҳада рақамли технологияларни изчил жорий этиш, илғор халқаро стандартларни қўллаш, қисқаси, давр талабига мос кадрлар тайёрлаш мақсади кўзланган.

Албатта, қарорлар билан бирга амалий натижаларга ҳам эришилмоқда. Биргина ўтган даврда 25 мингдан зиёд хусусий боғча, 70 га яқин нодавлат олийгоҳи ташкил этилиб, қамров мактабгача таълимда 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошгани ҳам буни исботлайди.

Тарихга назар ташлаш юракка игна санчиш билан баробар дейишади. Илмсизлик, тараққиётдан ортда қолиш заҳматини халқимиз ҳам бошдан кечирган. Арзимаган пул эвазига совуқда далада пахта териб юрган болалар, қариялар, аёлларни кўз олдингизга келтириб кўринг-а… Пахтани сувтекин сотиб, яна икки баробар маблағга тайёр маҳсулот ҳолатида сотиб олганимиз-чи?

Даврнинг бундай оғриқли кунларини кўз олдингизга келтирар экансиз, бугун ёш ўзбек йигити дунёнинг энг кучли клублари орасида тўп тепа бошлаганини ўйлаб, кўнгил ёришади. Бу кичик, аммо катта шов-шувга сабаб бўлган воқеа мисолида бир ҳолат ойдинлашади. Биз тараққиёт калитларини экспорт қила бошладик. Улар Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт йўлини очиб беради.

Бу каби ўзбек ёшлари бошқа соҳаларда ҳам юрт байроғини кўтариб, миллатнинг номини улуғлаб юргани борасида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мақоладан муддао ютуқлар билан бирга мамлакат йўли биргина одамнинг ёки давлатнинг эмас, балки жамиятнинг елкасидаги бурч ва мақсад эканига тўхталишдир. Аввало, ҳар бир жамиятни олдинга ундайдиган, бирлаштириб турадиган куч ғоядир.

Давлатимиз раҳбари “**Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир”,** деган ғояни илгари сурар экан, тараққиётнинг бирламчи омили нафақат таълим соҳасидаги ислоҳотлар, балки бош омил бўлмиш тарбияга боғлиқлиги ойдинлашади.

Баъзан кўча-кўйда, ижтимоий тармоқларда биз қачон тараққий этамиз, дея ривожланган давлатларда яратилаётган шароитларга урғу бераётганларни кўриб қоламиз.

Келинг, нишонни ўзимизга ҳам бир қаратиб кўрайлик. Фарзандини ўқишга даъват этган ўқитувчининг ёқасидан олиб, судлашганлар орамизда йўқми ёхуд болаларини кичиклигидан тирикчилик ташвишига кўмиб қўйган, ўзи бош кўтармайдиган телефондан болаларни нари қилмоқ учун оғизда тергайдиган ёки болалари ижтимоий тармоқдаги енгил-елпи ҳаётга кўникиб қолаётганини жимгина томоша қилаётган, тарбия деса, фақат уришишни тушунадиган ота-оналар-чи? Болаларига катта-катта тўйлар қилаётган, охир-оқибат бир кунлик тўй учун қарзга ботиб, юртма-юрт тирикчилик ташвишида юрганлар йўқми? Алал-оқибат ота дийдоридан, тарбиясидан бебаҳра ўсган болалардан қандай кадрлар чиқишини кутяпмиз? Адолат ҳақида гапиришдан олдин тарозини тўғри ушлашни ўрганишимиз керакдир балки…

Яқинда қишлоқдошлар гурунгида қатнашиб қолдим. Даврадошлардан бири қишлоғимиздаги Элбек аканинг ўғли Японияга ўқишга кетгани ҳақида айтди. Кечагина Тошкент деса, ҳавас билан қарайдиган ёши катталар, “Бир кўрсам, армоним йўқ”, дейдиган инсонларнинг боласи дунёнинг энг ривожланган давлатларидан бирида ўқиш учун кетишини ўйлаб кўринг-а.

Ўша йигит ота-онасининг ижтимоий ҳолатини яхши биламан. Шуниси аёнки, ота-онасида ўғлини энг яхши мактабда ўқитишга имконият, жарақ-жарақ пул йўқ эди. Бу боладаги иқтидор билан бирга тарбиянинг кучидир, эҳтимол.

Давлатимиз раҳбари юқорида зикр этган ғоянинг амалий натижасини кўриш нафақат таълим соҳасидаги ислоҳотлар, кишиларнинг тарбия борасидаги масъулиятига, балки давлат ва жамият ўртасида ишонч кўприги мустаҳкамлигига боғлиқ. Шундагина тараққиёт йўлида толмасдан ҳаракат қиламиз. Жамиятда шаффоф муҳит юзага чиқишига ҳаммамиз ҳисса қўшамиз. Зеро, шоир айтганидек, “Шаффоф манзилларнинг бешиги — ишонч”.

**Сардор ТОЛЛИБОЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Матонат

**Ҳаёт ҳамиша кўнгилдагидек, бир маромда кечади, деб олдиндан айтиб бўлмайди. Дунёнинг ўзига хос ташвишларию қувончи бор. Айниқса, турмуш тирикчиликлари ортидан киши турли юмушлар билан банд бўлади. Гоҳида ютуқларга эришади, баъзида кутилмаган зарбадан тўғри йўлдан адашиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Шундай пайтда кишидан кучли ирода, мустаҳкам матонат талаб этилади.**

**“ИККИ ЙИЛДАН БЕРИ УСТАХОНАДА АНЧАГИНА МАБЛАҒ ИШЛАБ ТОПИБ, ЯХШИГИНА МАЛАКАСИ ОШГАН НУРВАЛИНИНГ МУҲИМ РЕЖАЛАРИДАН БИРИ – ЖОРИЙ ЙИЛДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИБ, ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ. ҲОЗИРДА У ҚАРШИ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИДА ТАҲСИЛ ОЛМОҚДА.”**



# ДАРД ОРТДА ҚОЛДИ, ҲАЁТДАН РОЗИЛИГИ ОРТДИ

Нурвали ҳам мактабни битиргач, яхши ниятлар билан бирор иш бошини тутишни мақсад қилганди. Коллежга ўқишга кириб, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича касбга эга бўлди. Аммо бирор жойда устахона очиш учун зарур жиҳозлар ва махсус хона керак эди. Бундай имконият эса унда йўқ. Бу орада отаси вафот этиб, оилада ёлғиз ўзи боқувчи бўлиб қолди. Шу сабаб бошқа бирор жойда ишламоқчи бўлди. Лекин у пайтлар ҳозиргидек ишлаб чиқариш корхоналари йўқлиги сабаб иш дегани ҳам осонгина топилавермади. Қанча ҳаракат қилмасин, бирор ташкилотдан тайинли жавоб ололмади.

Нурвали иложсиз қолгач, қурилиш соҳасида усталарга шогирд тушди. Шундан сўнг оз бўлса-да, рўзғорга нафи тега бошлади. Аммо катта оилани тебратишнинг ўзи бўлмасди. Шу сабаб кўпроқ ишлашга ҳаракат қилса-да, барибир топгани наридан-бери бўларди, холос. Ёш боши билан қандай имкон топишнинг йўлини излаб юрган пайтлар бирга ишловчи ҳамроҳлари хорижда иш борлигини, у тарафда қурилишда ишлаганларга катта ҳақ тўланишини, агар маъқул келса, уни ҳам бирга олиб кетишини айтиб қолди. Бу таклиф унга маъқул келди. Рўзғор ташвишларини аритишга имкон топилгандек бўлди. Тезда ҳозирлик кўриб, шериклари билан хорижга жўнаб кетди.



Бошида яхши кетаётганди. Иш ҳақи ҳам вақтида берилиб, уйидагиларига жўнатиб турди. Аммо кутилмаган бахтсиз воқеа барчасини бир зумда пучга чиқарди.

Шу куни Нурвали баланд иморатни пардозлаш ишларида иштирок этарди. Ҳеч бир хавотирсиз устачилигини давом эттираркан, бир сониялик эҳтиётсизлик ортидан оёғи сирпаниб кетиб, пастга қулаб тушади. Ўз вақтида тез ёрдам кўрсатилишига қарамай, умуртқа поғонасида синиш ва кўп жойларида лат ейиш аниқланади. Қанча даволанса-да, саломатлигини тўлиқ тиклашнинг имкони топилмади. Натижада биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди.

— Ўша пайтда барчаси тамом бўлди деб ўйлагандим, — дейди Қамаши тумани Қўнғирот маҳалласида яшовчи Нурвали Жуманов. — Лекин шифокорлар ёрдамида ҳаётим сақлаб қолинди. Биласизми, энг ачинарлиси, мени дарддан кўра йўқчилик қийнаб қўйганди. Оиламдагиларни ўйлаб сиқилдим. Энди рўзғорни қандай тебратамиз, деган ташвиш тинчлик бермасди. Соғлом, ўз оёғим билан юриб кетиб, уйимизга ногирон бўлиб кириб келдим. Оилада ёлғиз ўғилман. Икки опам, бир синглим бор. Онам ҳолимни кўриб, бир ғами ўн баробар ортгани аниқ. Имкониятим чекланган деб уйда ётишни ҳазм қилолмасдим. Шундоқ ҳам рўзғорнинг камчиликлари етарли эди. Тушкунликка тушмасликка, фақат олдинга интилишга бел боғладим.

Қарши шаҳридаги соғломлаштириш марказида одатдагича даволанаётган Нурвали хаёлига ҳам келмаган ишлар бўлиб кетишини ҳеч ўйламаганди. Муолажа олаётган кунларининг бирида беморларни вилоят ҳокими йўқлаб келди. Хоналарга кириб, даволанувчилар билан алоҳида сўрашиб, саломатлик тилаб чиқар экан, навбат Нурвалига келди. Вилоят раҳбари ундан нима ёрдам кераклигини сўради. Бундай саволнинг берилишини кутмаган Нурвали бир оз шошиб қолди. Иккиланган ҳолда анчадан бери бирор жойда устахона очишни мақсад қилиб юрганини, аммо бунинг учун кучи етмаётганини айтди.

— Бирор касб-ҳунарингиз борми? — дея сўради раҳбар. — Қандай шароит қилиб берсак, банд бўлмоқчисиз?

— Компьютер хизматлари ва косибчилик қўлимдан келади. Агар битта устахона бўлса, бемалол ўз рўзғоримни тебратардим.

— Унда яхши, биз ёрдам қиламиз. Компьютер хизматларини пухта ўрганишингиз учун ўқишга жўнатамиз. Сертификат олиб, бемалол ишлайверасиз.

Суҳбат якунлангач, вилоят раҳбари шунчаки айтди-қўйди-да деб ўйлади. Лекин барибир умидини узмади. Орадан кўп вақт ўтмасдан, мутасаддилар Нурвалини йўқлаб келди. Ундан устахона учун қайси жой маъқуллигини сўрашди. Ўзаро маслаҳатлашиб, у айтган жойдан шинамгина устахона қуриб беришди. Бу орада у Қарши шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказига уч ойлик ўқишга йўл олди. Марказда компьютер хизматлари бўйича тажрибасини ошириб қайтди. Шундан сўнг ўз устахонасида иш бошлади.

— Ҳозирда маҳалламиз аҳолиси учун компьютер хизматларини йўлга қўйганман, — дейди Н.Жуманов. — Бундан ташқари, косибчилик билан ҳам шуғулланиб келаман. Шу билан бирга, телефон ҳамда компьютер жиҳозлари савдосини бошладим. Ойига ўртача уч-тўрт миллион даромад топяпман. Оиламга нафим тегаётганидан мамнунман. Турмуш тарзимиз ҳам анча яхшиланиб қолди.

Икки йилдан бери устахонада анчагина маблағ ишлаб топиб, яхшигина малакаси ошган Нурвалининг муҳим режаларидан бири — жорий йилда тадбиркорликни йўлга қўйиб, имконияти чекланганлар бандлигини таъминлаш. Ҳозирда у Қарши давлат техника университетининг иккинчи босқичида таҳсил олмоқда. Олийгоҳни битиргач, ўз соҳаси бўйича ҳам меҳнат қилиш истагида.

Сўнгги йилларда кўмакка муҳтож шахсларга кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар сифат босқичига олиб чиқилди. Хусусан, мутахассислар таъкидлашича, ногиронлиги бўлган шахсларга бериладиган протез ва реабилитация воситалари рўйхати 18 тадан 30 тага, маблағи эса сезиларли даражада оширилди. 2024 йилнинг 13 декабрида Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган ижтимоий ҳимоя соҳасида амалга оширилган ишлар ва 2025 йилдаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида таъкидланганидек, эндиликда рўйхатга яна 7 турдаги воситалар қўшилиши белгиланди. Бундан ташқари, ҳудудларда имконияти чекланган шахслар учун онлайн ваучер шакллантириш орқали фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигига чек қўйилади.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилоят бошқармаси матбуот марказининг маълумотларига кўра, 2024 йилни сарҳисоб қиладиган бўлсак, вилоят бўйича муҳтож шахслар 2000 та протез ортопедия, 6700 та реабилитация қилишнинг техник воситалари билан таъминланган. Жорий йилда бу ишларга янада эътибор қаратилади. Энг муҳими эса ўз вақтида зарур кўмак берилаётгани натижасида Нурвали Жуманов каби имконияти чекланган кишиларнинг бандлиги таъминланиб, жамиятда ўз ўрнини топишига замин яратилаётир. Пировардида уларнинг турмуш тарзи яхшиланиб, ҳаётдан розилиги ортмоқда.

**Акбар РАҲМОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.

Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-146.
35033 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 22:00 Топширилди — 23:05

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05